

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Абдулла Қодирий номи Жиззах давлат
педагогика институти

«Ижтимоий фанлар» кафедраси

Ф.Маматқулов.

ЭТИКА

фанидан
олий ўқув юртлири, лицей ва коллеж
талабалари учун ўқув қўлланма



Жиззах — 2006йил

**Маъсул муҳаррир: филология фанлари доктори
Пардаева З.Ж**

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори,
Очилова Б. М.
фалсафа фанлари номзоди,
доцент Хатамов. А.

Ушбу ўқув қўлланма педагогика Олий ўқув юрглари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда «Этика»нинг маъноси, мазмуни ва моҳияти, ҳамда унинг тарихи бўйича тизимли билимлар берилди ва ўзбекона урф-одағларимиз, расм-русумларимиз, анъана ва қадриятларимизнинг турли-туман кўринишининг таҳлили ҳамда уларнинг жамият маънавий ҳаётида туган ўрнини кўрсатишига қаратилган.

Ўқув қўлланма А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган.

2006 йил 30 августдаги № 1 сонли мажлис баёни.

МУНДАРИЖА

1-Мавзу: Этика фанининг предмети ва вазифалари.....	4
2-Мавзу: Ахлоқнинг келиб чиқиши ва тараққиёт босқичлари.....	10
3-Мавзу: Ахлоқий қарашларнинг вужудга келиши ва тараққий этиши.....	15
4-Мавзу: Ўзбекистон халқларининг ахлоқий қарашларидан тарихий лавҳалар.....	22
5-Мавзу: Исломнинг одоб-ахлоқ таълимоти.....	29
6-Мавзу: Касб-хунар эгаларининг ахлоқий маданияти.....	35
7-Мавзу: Ахлоқнинг асосий категориялари.....	40
8-Мавзу: Ахлоқнинг асосий принциплари.....	48
9-Мавзу: Ўзбек халқи миллий анъаналари ва маросимлари- нинг ахлоқий асослари.....	59

1- Мавзу: Этика фани ва унинг вазифалари

РЕЖА :

1. Этика -ахлоқ (хулқ) назарияси.
2. Ахлоқий назарияларнинг умумий муаммолари.
3. Этиканинг Ислом ва бошқа динлар томонидан асосланиши.
4. Мустамлака даврида ахлоқий қадриятларнинг таназзулга юз тутиши.

Таянч тушунчалар:

Этика, ахлоқ, одоб, ахлоқ назарияси, дин, ислом, шариат, мустақиллик.

Назорат саволлари

1. Этика, ахлоқ, одоб тушунчаларининг мазмуни ва маъноси.
2. Ахлоқий назарияларнинг асосий муаммолари ва вазифалари.
3. Этика фанининг Ислом дини томонидан асосланиши ва моҳияти.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги тараққиёт йўлига чиқиб олиши халқимиз тарихида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик шароитида кишилик жамиятининг минг йиллар давомида яратган маънавий қадриятларига бўлган муносабат ўзгарди. Бугун бу ҳолат, янгиланиш жабҳасида этика фанининг моҳиятини қайта кўриб чиқишни талаб қилди.

Истиклол мафкураси барча ижтимоий фанлар, айниқса ахлоқшунослик фанининг ҳам ҳаққоний ривожланиши учун имконият яратди. Энди биз ўтмиш меросимизнинг нодир дурдоналарини ҳақиқий, илмий маънода ўрганишга мушарраф бўлдик.

Этика ҳақида умумий тушунча, қараш ва назариялар маълум тизим сифатида Хиндистон, Хитой, Юнонистонда, шунингдек Шарқ ва Осиё мамлакатларида пайдо бўлган. Жуда қадим замонлардан бошлаб олимлар, ахлоқшунослар, файласуфлар инсон фаолиятининг моҳияти ва ахлоқнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олишга қизиққанлар.

Милoddan аввалги VII-VIII асрларда яратилган

зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» асари VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида вужудга келган. Ислом таълимотида ахлоқий қарашларнинг вужудга келиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Айниқса, қуръони Карим, Ҳадиси Шариф каби ислом оламининг қомусий китобларида этик қонуниятлар ҳақида тушунчалар берилган. Маълумки, IX асрдан бошланган Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари ижодида ҳам этиканинг барча категориялари ўз аксини топган.

Этиканинг ахлоқ ва шахс ҳулқи тўғрисидаги таълимот сифатида мустақил соҳага айланиши билан унинг фалсафий хусусияти йўқолмайди.

Аммо Этика фалсафа билан ҳамбарчас боелик бўлиши билан бирга нисбий мустақилдир.

Ахлоқ-ижтимоий онг шакллари билан бири ҳисобланиб, ҳар бир кишининг жамият ва оиладаги юриш-туриш тартиби қоидаларининг йиғиндиси сифатида тавалланган. Демак, жамиятга, оилага, меҳнатга бўлган муносабатда инсон ҳатти-ҳаракатидаги, ҳулқидаги йўналишлар, энг муҳим белгилар мужассамлашиб, шахс фаолиятида, унинг қамол топишида ҳулқ қоидасининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқ - инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир.

Яхши ҳулқларнинг яхшилигини ёмон ҳулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар билан баён қиладиган китоб ахлоқ деб аталади.

Марказий Осиё халқлари ахлоқшунослик соҳасида бой анъанага эга. Ахлоққа оид фикрлар «Авесто» диний ахлоқий китобида, қадимги тури битикларида ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Улардан ташқари ўзбек халқи Марказийсида кенг тарқалган пандномалар, ўтилар ва одобномаларда, халқ педагогикасида, диний-фалсафий рисоаларда, аломатлар меросида ахлоққа кенг ўрин берилган.

Ахлоқ-арабча «хулқ» сўзининг кўлиги бўлиб, инсоннинг нафсида, табиатида ҳосил бўлган ва такрор қиладиган бир иш ҳолатидир.

Агар такрор этилган иш гўзал бўлса, «кўркем хулқ; яхши хулқ» дейилади, ёмон бўлса «ёвуз хулқ» деб аталади. Одоб,

тавозе, садоқат, марҳамат, нафрат, ҳаё, мурувват, илм, вафо, адолат, саҳийлик каби яхши хислатлар куркам хулқли одамларда мужассамдир. Хирс, таъма, бахиллик, такаббурлик, ёлғончилик, адоват, ифво, ҳасад, мунофиқлик, хиёнат каби ярамас хислатлар ёвуз хулқли одамларда бўлади. Кўркем хулқли одамни халқ ҳурматлайди, ёвуз хулқлардан нафратланади.

Маъшуҳ алломалар фикрича, ахлоқда диёнат исломият, ғайрат, қаноат, шижоат, илм, сабр, интизом, виждон, ватанни севмоқ, иффат, ҳаё идрок, ҳайрихоҳлик, садоқат, мурувват каби инсоний хислатлар мужассамлашгандир. Демак, ахлоқ кишининг хулқ-атворида, эътиқод, юриш-туришида, кундалик-турмушида, фикр-мулоҳазасида ва мулоқотида намоён бўлади. Ахлоқли инсон, тарбия курган киши ўзини каттик ҳурмат қилади, унда ички интизом кучли бўлади, кўнгилга қараб гапиреди, унинг дилини оғритмайди. Балки муомаласи билан унинг юрагини яшнатади, мулоқот одобига риоя қилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий-маънавий вазифаларини ҳал этиш кўп жиҳатдан жамиятнинг ва ундаги ҳар бир инсоннинг ахлоқий даражасига боғлиқдир. Ахлоқ киши маънавиятини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Инсоннинг умри унинг фарзандларида давом этади. Меҳроқибат, садоқат, самимийлик, иззат-ҳурмат андиша, вафо-муҳаббат, ҳалоллик ва одамийлик сингари яхши фазилатларни давом эттирадиган хислатлар тарбия орқали камол топади. Шунинг учун ҳам бу хислатларни оилада шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир ота-она ўз фарзандларига туғрилиқ, содиқлик, самимийлик, бардошлилик, меҳрибонлик каби ахлоқий фазилатларни ўргатишлари зарур.

Одоб ақлга нур бағишловчи ва саломатликнинг асосидир. Бунга қўлга киритиш чораси одобли ва тарбияли одамлар билан суҳбатдош бўлиш, тарбия ва одобдан йироқ кишилардан узоқ бўлишидир. Одобсизлик эса қонун ва ахлоққа тескари бўлган ярамас ишлар ва ёмон сўзларни ҳеч уялмасдан ишлатмоқ ва сўзлашмоқдир.

Бир қанча гўзал русм ва одатларни бажариш ҳар бир ахлоқли тарбияли одамларнинг вазифасидир. Масалан: вужудимизни кийимларимизни пок тутиш, ўзгаларга гўзал

муомила қилиш, омонатга хиёнат қилмаслик, касалларни зиёрат қилиб, холларини сўраш, назоқатли, мулойим, очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш, ҳеч кимни ранжитмаслик, ота-она ва устозларга итоат қилиш, умуман инсонлар ёмон кўрадиган ҳар турли иш ва ҳаракатдан сақланиб, гўзал ишларга одатланишдир. Бундай гўзал ишларга риоя қилганлар камолотга эришадилар.

Ҳозирги ўзбек халқининг аждоdlари бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган бўлиб, улар юксак ва ўзига хос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта машаққатли йўлни босиб ўтишган. Дастлабки тош қуроллардан тирикчилик учун фойдаланишдан анча такомиллашган меҳнат қуроллари ясашгача, ундан уруғчилик, қабилачилик даврларига келиб, хўжалик ва маданий тараққиётда эришилган ютуқларига эга бўлган тарихимиз ота-боболаримизнинг бой қадимий маданиятига эга бўлганлигидан далолат беради.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Бактрия, Хоразм, Сугдиёна, Маргиёна, Парфия, Зарафшон вохалари, Паркана каби ўлкаларда турли қабил ва элатлар яшаган, Энг қадимги ахлоқий, маданий бойликларимизни ўрганишда уч асосий манба акс бўлади:

- Халқ оғзаки ижоди материаллари;
- Машҳур адиблар, алломаларнинг ижодий мероси;
- Археолог қазилмалар натижасида топилган ашёлар.

Этика фани бошқа кўп қиррали ижтимоий фанлар сингари ўзининг бой тушунчаларига эга бўлиб, улар воситасида ўз хулосаларини шакллантиради, тўпланган билимларни ифодалайди. Умумий этика назарияси, тарихий этика, норматив-антологик этика, профессионал (касбий) этика, ахлоқий тарбияланиш этика назарияси сингари бўлимларга бўлинади.

1. Умумий этика назарияси методологик масалаларни хал этиш билан шугулланади. Ахлоқнинг табиати, моҳияти, ўзига хослиги, унинг таркибий элементлари ва бу элементларнинг ўзаро алоқдорлигини изоҳлайди. Ахлоқий онг ривожланиши хусусиятларини ахлоқ тараққиётидаги ижтимоий-синфий сабабларини, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини, унинг ҳозирги ҳолати ва тараққиёт тамоилларининг ўрганади.

2. Тарихий этика ахлоқнинг тарихий формаларини унинг

тарихий тараққийети қонунларини ва синфий жамиятда ахлоқда синфийликларнинг қарор топишини, ахлоқий назарияларнинг тарихий тараққийети ва уларнинг тарихдаги ўрнини тадқиқ этади.

3. Норматив аксиологик этика муайян ахлоқ нормаларини, ахлоқий заруриятлик (мажбурийлик) талабларини ахлоқий онгнинг асосий тушунчалари сифатида қараб, уларни ижобий аҳамияти, қиммати жиҳатидан ўрганиши ва асослаш билан қизиқади.

4. Профессионал этика (касбий этика) бу услубият асосида касб ахлоқига изоҳ беришни, у ёки бу касбдаги фаолият доирасида кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солидиган маълум бир ахлоқ нормалари тизимсини яратиш ва асослаш вазифалари билан шуғулланади.

5. Ахлоқий тарбиянинг этика назарияси тарбия жараёнида ахлоқий омиллардан самарали фойдаланиш воситаларини белгилаб дунёқараш таълим масалалари билан шуғулланади.

Ахлоқ ходисаларини, ахлоқий амалиётни ўрганишда этикага, психология, педагогика, эстетика, тарих, этнография, афиссология каби фанлар катта ёрдам кўрсатади. Ахлоқий муносабатларнинг англаниши ва шаклланишида этика, эстетика санъатининг ўзаро боғланишини кўриш мумкин.

Кишилик жамияти вужудга келтирган фан, маданият санъат ва адабиёт хазинасида Яқин ва Марказий Шарк халқларининг ҳам кўшган ҳиссаси беқиёс ва улкандир.

Хоразмий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Жомий, Ҳилолий, Навоий, Бобур каби зотлар жаҳон маданиятининг улуғ адибларидир. Бу адиблар фан, санъат, адабиёт билан бирга ахлоқ, одоб масалаларига катта аҳамият бериб, ибратли ҳикоя ва ривоят, масал ва халқ маталларини яратганлар, халқ ижодиётидан фойдаланганлар.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, ахлоқ назариясининг ҳар бир қурилиши ёки тури ўзига хос маънога ва мазмунга эга. Шунинг билан бирга булар бир-бири билан ўзвий равишда боғлиқдир.

Зардуштийликнинг ахлоқий йўриқларига биноан инсон ўз бурчини ҳис этишининг энг биринчи белгиси маънавий поклик

ҳисобланган.

Ислом ақидаларининг, унинг ахлоқий-ҳуқуқий томонларининг асосий манбаи «қуръон» дир. Исломнинг шаръий маъноси бу «Аллоҳ ягона» деб эътиқод қилиб, унга бўйсунмоқлик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга имон келтириш демакдир.

Ислом динининг асосчиси ва тарғиботчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 570 йилда Маккада қурайш қабиласига мансуб хомийлар даргоҳида туғилган.

Ислом одамларни яхшиликка даъват этиб, ёмонликдан қайтаради. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб ва ахлоқ, рухий, маънавий покликни тарғиб этади, етукликқа, меҳнат қилишга ундайди. У адолат, тенглик, эркин ахлий камолот ва тафаккурни ривожлантиришга катта эътибор беради. Маълумки, ислом ақидалари, эътиқод ва талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари «қуръон ва унинг тасарруфларида» ҳадиси шариф ҳамда шариат қўламлирида ва илоҳий адабиётларида ифодаланган. «қуръон» 114 сурадан иборат. «қуръон» кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тоғув яшашга, эзгуликка ундайди. Шунга кўра у катта ахлоқий қимматга эга. «қуръон» нинг ахлоқий қиммати ҳақида фикр юритилар экан, унинг инсоннинг маънавий камолга етишида қай даражада муҳим ўринга эга эканлигига амин бўламиз, шунинг учун у мана неча асрлардан бери инсониятнинг энг улуғ қадрияти сифатида эъзозланиб келинмоқда. Лекин Ислом ақидаларининг, унинг ахлоқий, ҳуқуқий талабларининг асосий манбаи саналган «Қуръон» шўро мафкураси томонидан қораланиб келинди.

«Қуръонда» инсонни ахлоқий камолга етказишида яхши кишилар билан ҳамсухбат бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга деб курсатилган. Хулоса қилиб айтганда ислом шу пайтгача шўро мафкурасида унинг халқлар Марказийсида душманлик руҳини синдирувчи, инсоннинг қадр-қимматини камситувчи, билиш ва яратувчилик кучини, инсон иродасининг эркинлигини инкор этувчи дин сифатида танкид қилиб келинади.

Халқимиз бахтига шўронинг зулмат пардаси қораланиб, она Ўзбекистонимизда Ислом Каримов бошчилигида тез вақт ичида катта маънавий ишлар амалга ошира бошланди.

Халқимизнинг миллий онги, гурури ўсиши билан муштарак ҳолда дунёқарашни, тафаккури ҳам янгиланмоқда.

Истиқлол туфайли кишиларнинг миллий руҳида ўбекона ахлоқни, одобли қилиб тарбиялаш масаласига бўлган эътибор янада кучайди. Чунки маънавий камол топган инсонларгина баркамол жамият куришлари мумкин.

Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашда маънавий соғлом авлодни вояга етказиш ва уларда ахлоқ-одоб ҳақидаги миллий урф-одағларимизни шакллантириб бориш зарур. Зеро халқимизнинг қадим-қадимдан амал қилиб келаётган ахлоқ-одоб фазилатлари маънавиятимизнинг асосидир.

Республикамиз президенти И.А.Каримов «Коммунистик» деган сўз ўзи бизга етти ёт бегона эди,- деб таърифлайди. Бизнинг музаффар ўбек халқимиз инсонларварлик, адолатлилик, бегаразлик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик руҳида тарбияланган имонли халқ эди. Фарзандларимизнинг тарбиясини шу даражада бузиб юбордикми, баъзилари ўз ота-оналарига бўлган иззаг ва ҳурмат ҳам бутунлай унутиб юбордилар.

Ўбек миллати қадим-қадимдан юксак маънавий ва маданий тарихға эға халқдир. Лекин совет мустамлакаси даврида бу қадриятлар ваҳшийларча маккорона йўқ қилиб ташлашға ҳаракат қилинди, чунки, совет тизимининг асосий максоди-ҳар бир миллий маънавий ахлоқий ва тарихий қадриятларни йўқ қилиб ташлаш, «советларининг қонунларига қарши чиқа олмайдиған янғича дурағай миллатини яратиш эди. Афсуски, ўтган етмиш йилдан ортик давр мобайнида миллат маънавиятиға қарши олиб борилған режанинг таъсири натижасида улар бу ниятларига қай бир даражада эришдилар ҳам, фарзандлар билан ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар орасидаги муносабатлардан файз кета бошлади, ораларидан шарқона меҳр-оқибат кўтарилди

Мавзу: Ахлоқнинг келиб чиқиши ва тараққиёт боскичлари

РЕЖА:

1. Ахлоқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятлари.
2. Ибтидоий жамият ахлоқи.

3. кулдорлик жамияти ахлоқи.

4. Феодал жамият тараққиёти.

Таянч тушунчалар:

Ахлоқ тушунчаси,хулқ, уруғ, уруғдошлик, ижтимоий-иктисодий формация, антропогенез, неандерталь, жамият.

Назорат саволлари:

1.Ижтимоий-иктисодий формациялар тўғрисидаги таълимот.

2. Ибтидоий жамият ахлоқи мазмуни.

3. кулдорлик, феодал жамиятлар ахлоқи.

Маънавий ва ахлоқ жиҳатдан етук, баркамол фарзанд вояга етказиш ҳамма даврларда ҳам катта сиёсий мохият ва аҳамият касб этиб келган. Ўсиб келаётган ҳар бир боланинг ақли ва қалби учун кураш, уни ўзи яшаётган жамиятнинг фаол аъзоси, қизил империя таъбири билан айтганда, «солдат» бўлиб етишмоғи учун аёвсиз кураш олиб борилган.

Қизил империя даврида меҳнат тарбияси, жисмоний тарбия деган тушунчалар бўлса ҳам, фаннинг асосий вазифаси коммунистик ва атеистик тарбияга қаратилган эди.

1. Этика ва ахлоқ бир пайтда келиб чиқмаган. Этика фан сифатида кулдорлик формациясида вужудга келган. Худди мана шу пайтда жамият синфларга бўлиниб, меҳнат ҳам жисмоний ва ақлий меҳнатга бўлинди. Биринчи маротаба этика сўзини қадимги грек олими Аристотель фанга киритди. У ўз уелига «Никомах этикаси» деган китобни ёзиб қолдирди. Никомах унинг ўғли эди.

Ахлоқ эса одамзод хайвонот олаmidан ажралган бир пайтда, яъни кишилар ўзларини жамиятнинг бир аъзоси деб ҳис қилган пайтдан бошлаб пайдо бўлган. Ахлоқнинг табиати ва келиб чиқиши ҳақидаги масала этиканинг доимо асосий проблемаси бўлиб, этик таълимотлар тарихида у одамда, ахлоқ талаблари тўғрисидаги, бахонинг мезони ҳақидаги ахлоқий онг тасаввурларини мослаш тарзида шаклланиб келади. Ахлоқ негизининг манбаи нимага боғлиқлигига қараб тарихдан этик таълимотларни икки турга ажратиш мумкин.

Биринчиси, ахлоқ талаблари «инсон табиати» ва кишиларнинг табиий эҳтиёжларидан келиб чиққан. Бу таълимот

одамнинг ҳамма ҳаракати унинг биологик табиати, туғма хиссиётлари тақозоси билан бўлади, у ўз табиатига кўра табиий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади ва азоб-уқубат чекишдан кочади, яхшилик ва ёмонлик, ахлоқ ва ахлоқсизлик Марказийсидаги фарқнинг негизи ҳам ана шунда, деган фикрни илгари сўради. Шунга кўра, ахлоқ жамиятда кишиларнинг ҳагти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини тартибга солувчи боъекитив эҳтиёжлар мавжуд бўлганлиги учун келиб чикди, - деганхулосага олиб келади.

Инсонлар хайвонлардан ўзларининг табралкури, нутқи ва ниҳоят ахлоқи билан ажралиб туради. Ахлоқий ҳагти-ҳаракатлар фақат инсонгагина хосдир. Хайвонлар ахлоқ, одоб, севги, оила, бурч, виждон, ор-номус деган хислатларни тушунмайди. Улар яшаш пайтида маълум сигналлар орқали табиатга мослашади.

Дастлабки ахлоқий қоидаларнинг пайдо бўлиши илк уруғдошлик жамияти даврига тўғри келади (антропогенезнинг неандерталь босқичидан олдинги давр).

Ибтидоий жамоа ахлоқи аста-секин бир неча ўн минг йиллар давом этди. Ибтидоий жамоада ахлоқ талаблари уруғ ёки қабилисини барча аъзолари учун бир хил кучга эга бўлган.

II. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши дастлабки ижтимоий гуруҳ аъзолари Марказийсидаги муносабатларни англаш, тартибга солиш, мустахкамлаш ва бошқариб туришни зарур қилиб куйди. Ибтидоий одамларнинг ижтимоий этикаси зарурий равишда жамият эҳтиёжлари қондиришга кумаклашадиган хулқнинг асосий регулятори тарзида урф-одат ва расм-русумларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ибтидоий жамиятда ижтимоий баҳо билан бирга кишининг- ўз хулқини ўзи баҳолаши ҳам мавжуд эди. Бу баҳо бевосита апрофдагиларнинг фикр-мулоҳазасига асосланар эди. Зиддиятлар, англашилмовчиликлар жамоада хал этилиб «меники» ва «сеники» деган тушунчалар йўқ эди. қарор топган анъаналар, уруғ ахлоқлари ва аёлларга курсатилган ҳурмат ёки уларнинг обрўси энг муҳим ўрин тугарди, у даврларда аёллар эрқақлар билан тенг ҳолатда бўлиб, баъзан эса улардан ҳам юкорирок мавкега эга бўлар эдилар. Ибтидоий жамоа очкўзлик, гаразғуйлик,

таъмагирлик ва бошқа шу каби иллатларни билмаган. Улар кейинроқ, хусусий мулкчилик пайдо бўлиши билан юзага келган.

«Ахлоқ, дея тўғри таъкидлаганди, Т.В.Тесханов, - унга таалукли тасаввурлар худоларнинг мавжудлиги билан боғланиш жараёни бошлангунга қадар пайдо бўлади»¹

Жамият тараққиётининг илк босқичларида умуман оила бўлмаган, жинслар Марказийсидаги муносабатлар тартибга солинмаган. Кейинчалик вужудга келган никоҳ бу борадаги муносабатларга озми-кўпми тартиб киритган, аммо барибир ака-укалар ва ака-сингилларнинг ўзаро эр-хотин бўлишлари мумкин бўлган. Сингил аканинг хотини бўлиб, бу ахлоқий ҳисобланган, эрлар эса ўз хотинларини меҳмонларга тақдим этишлари мумкин бўлган ва буни ҳеч ким қораламаган.

Фақат ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг тараққий этиши одамларни хайвонларга яқинлаштириб қуядиган бу ҳунук белгиларнинг йўқолишига ёрдам берган, уларни қоралашга имконият туғдирган.

Ш.Уруғдошлик жамиятидаги ахлоқий тартиб-қоидалари кучайиб келаётган эксплуататорлик жамиятининг онгли ҳаракати оқибатида емирилади.

Кулдорлик жамияти ўз ахлоқий асосларини ишлаб чиқади. Бунда эски анъана ва одатларнинг бир қисми қайта қурилади, қайта ишланади, бошқача қуринишга қарама-қарши бўлган, энди ҳамманинг манфаатига мос бўлмаган, балки синфий манфаатларни ифодалайдиган мазмун билан тўлдирилди.

Кишилар хулқнинг қандай бўлиши лозимлигини, ҳукмрон синф учун энг муҳим талаблар қонунларда ифодаланиб, ҳуқуқ нормаларига айлантирилади, уларни ижтимоий зўрлик органлари таъминлайдиган бўлади. Ахлоқ умумий ҳарактерини йўқотиб, синфий бўлиб қолади, эксплуатация қилинувчиларнинг ахлоқи ёнма-ён мавжуд бўлади. кулдорлар қандай қилиб бўлса ҳам фазилатли хулқлар фақат эркин кишиларга хос, кул эса ўзига хосликдан маҳрум бўлган ва ахлоққа эга бўлмаган мулк эканлигини исботлашга ўриниб келдилар.

Кулга нисбатан раҳмсизлик айб иш ҳисобланган, чунки, ўз нарсасини синдирган одамни беодобликда, ахлоқсизликда ким айблай олиши мумкин. Мардлик, ҳиммат, саҳийлик ва бошқа шу

каби ахлоқий сифатлар қулдорлик синфининг уруғ зодагонларига хос хислатлар деб ҳисоблашган, итоаткорлик, ҳурмат ва мулоҳазакорлик эрқин фуқаролар ва қулларга хос сифатлар деб қаралган.

Қонун қулнинг ҳеч қандай юридик ҳуқуқини тан олмаган. қулнинг ўз исми ҳам бўлмаган, уни туғилган жойининг номи билан атаганлар. қул ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган. Умуман олганда қулдорлик формациясининг ахлоқий асосларн ундан олдинги ижтимоий тузум ахлоқига нисбатан олға ташланган қадам эди.

Қулдорлик тузуми ахлоқи қарийиб тўрт минг йил давом этиб, у янги ижтимоий шароитлар таъсирида феодак жамиятнинг ахлоқий тартиб-қоидаларига ўрин бушатиб беришга мажбур бўлди.

IV. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва синфий курашнинг юксалиши қулдорлик тузумини халокатга олиб келди. Унинг ўрнида феодак ишлаб чиқариш муносабатлари пайдо бўлди. Унинг мохияти ерга хусусий мулкчиликни қарор топпиришдан иборат эди. Ўзгарган ижтимоий муносабатлар хилма-хил янги ахлоқий тартиб-қоидалар ва одамларда ўз ифодасини топади.

Феодализм шароитида одамларнинг тоифаларга бўлиниши юз беради ва энди кишининг ҳар қандай интилишлари унинг тоифавий мансублик доираси билан чекланарди. Чунки дин «тоифаларга бўлиниш худонинг иродасидир,»- деб таълим беради. Бу тоифаланиш 2 минг йил давом этган шу даврнинг ахлоқий қарашларида ўз ифодасини топган.

Бунинг исботи ва оқибати -ахлоқ нормаларининг ажралиши, улардаги синфий мазмуннинг ойдинлашуви ва нихоят бир қатор рицарлик орденлари, цехлар, диний орденлар, шаҳарлик хунармандлар, университет уставлари сингари тор ахлоқий кодексларнинг вужудга келганлигидир.

Ахлоқий кодексларнинг шаклланишига дин қатта таъсир курсатди. Дин, феодак жамиятнинг бутун маънавий ҳаётни қулига олган ва барча синфлар, тоифаларнинг ахлоқи онига «муқаддас тамға» босган эди.

Дворян феодаллар қадимги қулдорлар сингари, эзилувчиларда ахлоқий хислатларнинг борлигини инкор этар эдилар. Аслида эса факат оддий халқ, зулмнинг ҳар қандай дахшатларига қарамай, шундай ҳаёт шароитида ахлоқан тубан кетгани кўп жирқанч, ярамас иллатларни ҳам ўз ичига олганлиги яққол куриниб турибди.

Феодализм жамиятида, шаҳарликлар меҳнатсевар-ликни, эгчилликни, мулохазакорликни, камтарин турмуш тарзини қадрлар эдилар. Шаҳарликларнинг айниқса энг кашшоқларининг ахлоқи крепостнойлар ахлоқиға яқин. Уларни тенглик, ҳақиқат, эркинлик, бегаразлик идеаллари бирлаштиради. Меҳнаткаш халқ орасида крепостнойлик тартибларига, зулм ва хурлашларга қарши норозилик шаклланади, бирлик, қардошлик ва ҳамкорлик руҳи қарор топади.

Мавзу: Ахлоқий қарашларнинг вужудга келиши ва тараққий этиши

РЕЖА:

1. Ахлоқий қарашларнинг вужудга келиши. қадимги шарқдаги ахлоқий назариялар.
2. қадимги Юнон мутафаккирларининг ахлоқий назариялари.
3. Марказий асрлар ва «Уйғониш даври»даги асосий ахлоқий назариялар.

Таянч тушунчалари

Антик давр, ланднома, мутадилик, шовинизм, буддизм, инсофсизлик, ёлгон, хасад, гурур, итоатли, дао, демос, қобуснома.

Назорат саволлари

1. Қадимги шарқ халқларининг ахлоқий назарияларининг моҳияти.
2. Қадимги Юнон мутафаккирлари Пифагор, Гераклid, Демокригларнинг ахлоқий қарашлари.
3. Марказий аср ва уйғониш давридаги ахлоқий назариялар моҳияти.

Ахлоқ таълимотлари жамият тараққийётининг илк боскичларида пайдо бўлган ва улар ибтидоий жамоа даврининг инкирози ҳамда синорит (қулдорлик) жамиятининг қарор

топиши билан боғлиқдир. Ахлоқ ҳақидаги дастлабки таълимотлар қадимги Шарқ мамлакатлари Миср, Фаластин, Хиндистон, Хитойда юзага келган. Улар ахлоқни ибидий жамоатда деб қарашган, ҳамда одамнинг буюк мақсадини худо билан қушииб кетишда курганлар, асосий ахлоқий мажбуриятни –фйравнларга хизмат қилиш ва худоларга хурмат билан қарашда деб билганлар, гўё худолар ахлоқий дастурларга одамлар қандай амал қйлаётганлигини кузатиб туради, кишининг ҳагги-ҳаракатларига қараб улимидан кейин мукофатлайди ва жазолайди, деб таълим берганлар. Кохинлар кишилардаги «одобсизлик» худоларни лозим даражада эъзозламасликдан пайдо бўлади деб, билганлар.

Қадимги Мисрда диний қарашлар билан бир қаторда дунёвий этика адабиёти ҳам мавжуд эди, унда тарбия кўрганлик кишининг хулқ меъзони деб қаралган, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари худо аралашуви билан эмас, балки кишиларнинг иродаси билан белгиланади деб билганлар.Ахлоқий насихатлар ҳаётий тажрибалардан келтириб чиқарилган. Дунёвий адабиёт ичида-«пандномалар» деб аталган тўғламлар, айникса машхур бўлган. Уларнинг энг қадимийси (эр. ав. III аср) одоб қоидаларини билишнинг афзалликларини курсатиб,бу қондаларни конкрет баён этади. Пандномаларда қулдорлар ҳаётига турли хима-хил маслаҳатлар (дўстлар билан хизматкорлар билан) муомала қоидалари берилган.

Ахлоқ тўғрисидаги таълимотларни ишлаб чиқишга қадимги Хиндистонда (эр. ав. 2 минг йил охири, 1 минг йил бошларида) ҳам катта эътибор берилган.

қадимги Мисрда бўлгани каби бу ерда ҳам ахлоқ тўғрисида диний ва дунёвий таълимотлар ҳукм сурган. Брахманизм ва буддизмнинг диний-этикавий таълимотлари итоаткорликни, ердаги барча азоб-укубатларга бўйсунуш ва сабр-тоқат қилишни тарғиб қйлади. Бу таълимотлар азоб-укубатларни улуғлашга асосланиб, кишининг ҳиссиётига, унинг жисмига, танасининг табиий эҳтиёжларига эътиборсизлик билан қарашни тарғиб қйлади.Улар яшамок, азобланмок, демакдир, дея таъкидлайдилар. Азоб укубат одамларнинг нариги дунёдаги ҳузур-халовати учун тулов гуноҳини ювиш ҳақи деб қаралган. У дунёдаги бахт учун эмас, балким нариги дунёдаги бахт учун

ҳаракат қилиш, одам хулқининг ахлоқий мезони, хулқнинг олиб бориш принципи деб, фаолиятсизлик, ҳар қандай хавас ва орзуларини сундириш олий эзгулик деб эълон қилинади, инсофсизлик, ёлгон, газаб, очкўзлик, ҳасад, такаббурлик, гурур, одамни бу дунёга боғлайдиган, меҳр қўйдирадиган нарсалар каторига киритилади. Азоб-укубатлардан фақат тўғрилиқ, ҳалоллик ва меҳрибонлик билангина ҳалос бўлиш мумкин дейилади. Шундай қилиб қадимги Хиндистоннинг диний-этика таълимотлари халқни итоатли бўлишга, бу дунё ташвишларидан воз кечишга, ҳар қандай курашдан тийилиб туришга чақиради. Уларнинг ижтимоий максоди ҳам ижтимоий муҳтожликларга бўйсунганини тарғиб қилиш ва қўлдорликни муқаддаслаштиришдан иборат эди.

Конфуцийчилар этиқоди одамларни бошқариш юзасидан «само амри» ни тушунишга ёрдам беради. Конфуцийчилар фикрича этика принциплари ҳукмронлик, тобелик муносабатларча асосланади. Конфуцийчилик у умуман олганда мулкдорларнинг ҳукмдорлигини дастлаб қўлдорларнинг, сунгра феодал аристократларнинг имтиёзларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, эзувчилар эзилувчиларни ўзаро келиштиришишни мақсад қилиб қўйган таълимот эди. Даосизм этикаси (дао-универсал қонун, оламнинг энг юксак илохий ибтидоси) конфуцийликқа, хусусан «донолик» тўғрисидаги таълимотга қарши қаратилган эди. Даосизм тарафдорлари халқ билимдон бўлса уни бошқариш кийин бўлади, ақл ва донолик тарқ этилса, халқ юз хисса зиёд бахтлироқ бўлади деганлар. Шу сабабли улар маърифатдан, фандан мутлақо воз кечган эдилар.

Янь чжу ва Мо-ди нинг этика таълимотлари стихияли материализмга асосланган эди. Янь чжу даосизмни, конфуцийлик ахлоқ манбаи деб қараган «илохий само» ни танқид қилиб чиқди.

Оламнинг моддийлигини эътироф этиб, у ахлоқ манбаини ўз индивидуал табиатида кўради. Ҳамма одамнинг табиати бир хил бўлгани учун, -деб таълим беради Янь Чжу-одамларни «паст» ва «юкори» ҳокимлар ва тобеларга ажратишга асос йўқ. У ҳар бир кишининг индиивдуал қадр-қимматини

унинг бутун хулқи ва фаолиятининг асоси деб қарайди. Ҳар бир одамнинг факат ўзигина жамиятида ўзига ўрин ва эътиборини таъминлаши мумкин, одам факат ўз хулқиға кўра ҳурматға ёки нафратға сазовор бўлиши мумкин.

Этика таълимотининг бир мунча аниқ ифодаларини қадимги Юнон ва Римликлар эрамиздан аввалги VII-VI асрларда куриш мумкин. Туғри, бу даврда юнон мутафакқирлари хали ахлоқ тушунчасини ўзини ва унинг муаммоларини тадқиқ этиш билан тушунмаган, этика масалаларини назарий тадқиқотнинг асосий предмети деб ҳисобламаганлар. Улар факат амалий қўлланмалар билан бахтли яшамоқ учун нимаға амал қилмоқ керак, нимадан тийилмоқ керак, ўзини қандай тутмоқ керак деган масалаларини ечиш билан чекланганлар. Қадимги баъзи грек мутафакқирлари (пифагорчилар) ахлоқий тушунчаларни математик тенгламалар, формулалар билан аниқлаш ва ифодалашға ҳаракат қилган эдилар.

Греклар орасида ўз таълимотида этика ва мантикни сиёсый ва атлизмни бирға жамлаган биринчи комусий билим эгаси Демакритдир (эр.ав.460-370 йиллар). Табиат ходисаларини тушунтиришда материалист бўлган Демокрит ижтимоий ҳаёт ҳақидаги таълимотида идеалистик тасаввурларидан холи бўла олмайди. Масалан, Демокрит барча табиий процессларға, жумладан, инсоннинг ахлоқий муносабатларига ҳам худоларнинг аралашувини инкор қилиб кишини хулқининг реал, бу дунёдаги асосини танишға ўринди. Демокрит ахлоқни одамнинг ўз табиатидан келиб чиқиб асослашға ҳаракат қилади. У ахлоқнинг икки қўлами: ясама ва ҳақиқий бўлинишиға қарши чиқади, у шахснинг факат мулохазалик ва ақл раҳнамолигида мумкин бўладиган ахлоқий химоялаши учун жоибозлик курсатди. Демокритнинг этик қарашлари диний қобикдан холи эди. Шунинг учун ҳам ўзидан кейинги материалист файласуфларға катта таъсир кўрсатди.

Демокритға зид улароқ қадимги грек файласуфи Сократ (Сукрот) (эр. ав. 469-399 йиллар) яраптан этика мактаби гўё худо яраптан умумий фазилатни тарғиб этади. Сукротнинг фикрича, умумий фазилат бир қатор хусусий фазилатлардан: жасурлик, донолик, муътадиллик, адолат ва бошқалардан таскин топади. Ҳар

бир фазилят у ёки бу турдаги билимлардан иборат. Мардлик кўрқувни даф қилишни, донолик конунларига риоя қилишни, муътадиллик-ўз хиссиётларига эрқ бермаслик, адолат ва яхшилик қилиб амалга оширишни ўргатади. Шу сабабли одамни ҳаёта ўргатишдан олдин у энг умумий этика нормаларини, умумий фазилятни билиши зарур. Сократ нимагаки фазилятни билиш раво қурилган бўлса, ана шу одамгина фазилятни курсата олиши мумкин дейди, фазилят ва билимни айнан бир нарса деб билади. Сократ, «фазилят фан туфайли, таълим бериш билан қўлга киритилганлиги сабабли, ақлий ривожланиш ахлоқ асосини ташкил этади,»-дея фикр билдиради Сократ этикаси тенгсизликни оқлайди.

Унинг фикрича ахлоқ факат импиезли «мумтоз» ларгагина хос «мумтоз» кишилар ҳақиқий ахлоқнинг ягона эгалари бўлганликлари учун ҳокимият ҳам уларники бўлмоғи керак. «Сара» бўлмаганлар, қора халқнинг, авомнинг ҳокимияти ахлоқсизлик сифатида рад этилмоғи керак эмиш. Сократнинг шогирди идеалист файласуф Платон (Афлотун) пинг (эр. ав. 427-347 йиллар) қарашлари устозининг этикасига яқин. Платон ўзининг этик тизимини яратар экан устозига эргашиб, объектив идеализм йўлини тутди. Платон инсоннинг хулқини худо хохишига бўйсиндирган.

Антик этикани ва бошқа бир қанча билим тармоқларини дастлаб тартибга солган киши Аристотель (Арасту)дир (эр. ав. 384-322 йил). Унинг «Никомах этикаси» ва «Сиёсат» асарлари ахлоқ проблемаларини назарий ишлаб чиқишга бағишлаган, ўз қарашларида Аристотель мангу мавжуд гоёлар ҳукмронлигини рад этади; ахлоқий тушунчаларни таҳлил қилиб, улардаги умумий мазмунни бойитишга ҳаракат қилади. Этика тушунчаларининг илмий классификациясини ишлаб чиқади, уларнинг маъно чегараларини аниқлайди, этиканинг асосий назарий ва амалий проблемаларини изчиллик билан ифодалаб беради. Аристотель этикани ахлоқни ўрганадиган амалий фан, жамият ҳақидаги фанларнинг бир тури деб қарайди. У ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. «Инсон қўлига қурол-ақлий ва ахлоқий куч берсин, аммо у шу қуролни тесқари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин», шу сабабли ахлоқий

таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майилларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади.

Араб халифалигида юз берган ижтимоий сиёсий ўзгаришлар, ягона ислом динининг тарқиб топиши моддий, маънавий ҳаётга ҳам таъсир этди. Унда катта кутаринқилик руҳини пайдо қилди. Бу кутаринқиликни бутун Араб халифалиги яқин ва Марказий Шарқни камраб олганлиги учун Шарк уйғониш даври деб айтилади. Бу жараён IX асрдан бошлаб, XI-XII асрларгача давом этади.

Араб халифалигида IX асрда вужудга келган уйғониш даври халифаларнинг Боғдод, Дамашқ, Халоб шаҳарларида бошланиб, барча бошқа халқлар моддий ҳаётига тарқалган, бу эса у давлатларнинг ҳам моддий ривожланишига замин тайёрлаган. Халифа Хорун ар-Рашид ва уни угли Маъмун даврида Боғдодда «Бойтул Хилма» (Донишмандлик уйи) (ҳозир Академия маъносида) ташкил этилган. Мазкур академия барча илм соҳиблари тугланган марказга айланади. Боғдоддаги мазкур илм маркази ўз навбатида Шарқ ва Ғарбда илм-фаннинг тараққий этишига, маънавий ҳаётнинг юксалишига таъсир этган.

Халифа ал-Маъмун илм фанни жуда қадрлаган, у IX аср бошларида халифанинг Хуросондаги ноиб бўлган вақтида ҳам Мовароунаҳр ва Хуросондаги олимларни туглаб, уларнинг илмий ижодига шароит яратиб берган. Булар орасида Ал-Хоразмий, Ал-Хутайи каби ватандош олимларимиз ҳам бўлган (Ал Маъмун халифалик тахтига утиргач, у олимларнинг барчасини Боғдодга чақириб олади.).

Шунингдек, қадимги яратилган маданий ёдгорликлар улар хох араб, хох Мовароунаҳр ва Хуросон халқининг энг қадимги даврлар маданияти бўлсин, уйғониш даври маданиятининг яратилиши ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Агар араблар Марказий Осиёни босиб олиб, бу ерда илгари мавжуд бўлган фан ва маданият учоқларини йўқотган бўлсалар, кўп ўтмай, қадимий илмий анъана аста-секин тикланиб, натижада илм-фаннинг етук. сиймолари етилиб чиқа бошлади. Шарқ Уйғониш даврида шарққа хос бўлган инсоннинг камолотини улуғлаш етакчи ўринни тутган.

Инсонпарварликни амалга оширишнинг асосий

воситалари сифатида юксак ахлоқий одаглар инсоний муносабатлар ва хислатларни тарқиб топишига олиб келувчи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қуйилган. Зеро инсонийлик ғоясида юксак ахлоқий хислатлар ифодаланганлиги учун ҳам Шарқ Уйғониш даври фалсафаси ахлоқи муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқ масаласи фойласуфларнинг, буюк мутафакқирларнинг, ҳам тарихчи, шоир ва адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлди. Ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммолари таҳлил этилади. «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт саодатга эришув ҳақида», «Ахлоқ ҳақида рисола», «Ишқ рисоласи», «Кутадғу билиг», «Ахлоқий Насирий», «Ахлоқий Жалолӣй», «Ахлоқий Муксимий», «Кобуснома», «ғулистон», «Бустон», «Махбуб-ул қулуб» каби Фаробий, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Юғнақий, Тусий, Девоний, Кошифий, Саъдий, Жомий, Алишер Навоийларнинг таълимий-ахлоқий асарларини инсон шахсини маънавий ахлоқий шакллантириш муаммосини ҳал этишда ахлоқий педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур таълимий-ахлоқий асарларда инсоннинг маънавий камолга етиши юксак хулқ-одоб, илм-фанни эгаллаш асосидагина амалга ошириш мумкин, деган ғоя илгари сурилган.

Шарқ Уйғониш даври ахлоқий қарашларининг асоси Исломнинг умумийлиги ва ўзига хос ҳақ-ҳуқуқларига, талаб ва тамойилларига бориб тақалади.

Зеро, барча мутафакқирларимизнинг ахлоқ-одобга оид қарашларининг асоси қуръон ва ҳадис таълимотлари ташкил этади. Ҳадисларда умуминсоний фазилатларга алоҳида ўрғу берилган, уларда илгари сурилган мусурмонларни муҳим хислатлари ҳалоллик, саховат, ҳиммат, меҳр, оқибат, эҳсон, шарм-ҳаё, илм, изланиш муомала қоидалари ахлоқ мезонлари ва бошқалар ўз ифодасини топган ва Шарқ адабиётига, жумладан таълимий-ахлоқий асарларга таъсир этган.

Ҳадислар таъсири Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадғу-билиг» асарларидан бошланиб, Кайковуснинг «Кобуснома». Аҳмад Юғнақийнинг «Хибатул-ҳақойик», А.Навоийнинг «Махбуб-ул қулуб» ва бошқа асарларда сезилади. Масалан: қуръонда ҳам, Ҳадисларда ҳам, таълимий-ахлоқий дostonларда ҳам илм тарихи

билан бирга хулқ одоб қоидалари турмуш одоби ёритилади.

Фаробий асарларидаги ахлоқий масалалар юзасидан билдирган фикрлар ҳам аввало қуръон оятларининг илмий талқинидир. Шарқ Уйғониш даврини ахлоқий масалалар ёритилган асарларда шахснинг камол топиш йўллари, усуллари баён этилган. Ҳақиқий ахлоқли инсон хислатлари ҳақида фикр юритилганда биринчи ўринда адолатпарварлик ғояси ётади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Ислом динининг ёйилиши марказлашган, Араб халифалигида илм-фан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий юксалиш, маънавий тараққиёт –«Шарқ Ренессанси»– Уйғониш давридан бошланади.

Мавзу: Ўзбекистон халқларининг ахлоқий қарашларидан тарихий лавҳалар РЕЖА:

1. Ўзбекистон халқлари ахлоқшунослигига оид фикрларнинг шаклланиши ва маъданияти.
2. Абу Носир Фаробий ахлоқий қарашлари.
3. Юсуф Хос Хожибнинг ахлоқий қарашлари.
4. А. Навоийнинг ахлоқий қарашлари.
5. А. Навоийнинг «Махбуб-ул қулб» ва «Ҳамса» асарларида тарбия, ахлоқ ва одоб ҳақида.

Таянч тушунчалари.

Турқистон Фаробий Буюк сиймо, «Махбуб-ул қулб», «Ҳамса», Вафо, маърифат дастон, проза.

Назорат саволлари

1. Марказий Осиё олимларининг ахлоқий қарашларининг миллий хусусияти.
2. Абу Носир Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, А.Навоийнинг ахлоқшунослик соҳасидаги ёзиб қолдирилган асарларининг ҳозирги даврдаги аҳамияти.
3. Марказий Осиёнинг буюк сиймоларининг ахлоқшунослик фанини ривожига қўшган хиссалари .

Қайси даврга мансуб бўлмасин, ҳар бир миллатнинг, ҳар

бир юртнинг фаҳри ва ифтихори-унинг олимлари-ю, жаҳон илм фани ва маданияти равнақиға қўшган ҳиссаси билан улчанади ва қадрланади Мана шу мезонга таяниб, адолат кўзи билан қарайдиган бўлсак, Кухна Туркистон (Марказий Осиё) заминимиз, ҳеч бир муболагасиз, дунёда энг илғор, олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Чунончи, илм-фаннинг қайси бир жаҳасини олмайлик аниқ фанларни, табиий ёки ижтимоий фанлар сарасида Марказий Осиё олимларининг хизматлари бекиёсдир.

У айникса, Марказий асрларда яшаган аллломаларимизнинг бу борадаги улушлари дунё микёсида салмоқлидир. Диёрамиздан чиққан Имом Бухорий, имом Термизий, Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Носир Фаробий, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек каби юзлаб, минглаб буюк сиймоларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Чунончи бу даҳоларнинг ўлмас асарлари, буюк кашфиётлари жаҳон илм-фани ва маданияти равнақиға қўшган улкан ҳисса бўлиши билан бирга, айни вақтда, маълум даражада ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга ҳам хизмат қилган. Абу Наср Фаробий асрнинг 70 йилларида Сирдарё бўйидаги Фароб кишлоғида туғилди. Фаробийлар оиласи туркий қабиладан эди. Фаробий Боғдошда уқиди, араб, грек ва яна бир нечта тилларни мукамал ўрганди, фалсафа, логика, астрономия, математика, медицина ва музика билаи шуғулланди. «Шарқ Арастуси» Аристотелдан кейинги иккинчи устоз «Муалимнас-соний» номлари билан шуҳрат қозонди. Чунки Фаробий Аристотелнинг фалсафа ахлоқшунослик соҳасидаги асарларига 1 чи бўлиб илмий шарҳлар ёзган. Бундан ташқари Птоломей, Александр Афрозинский, Профирий ва бошқаларнинг ахлоқ, психология ва табиатшуносликка доир кўп асарларини шарҳлаб чиқди. Платон, Аристотель, Гален ва бошқа файласуфлар ҳақида қимматли асарлар яратди. Унинг ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган «Кутадғу билиг» достони ахлоқ ва одобга доир кўп қимматли панд-насихатларни ўз ичига олган. Достон автори тил одоби, севги ва садоқат, ростғуйлик ва ҳаллолик каби масалалар ҳақида хикматли сўзлар экан, рост ва тўғри, қисқа ва мазмунли гапиришни мактаб, маҳмадоналик ва лақмаликни ўринсиз деб

баҳолайди, ёлгон сўзлашни каттик қоралайди. Тилга эҳтиётсиз киши ўз бошига мусибат ҳам келтириши мумкин, дейди автор:

Қора бош ёгиси қизил турур (қизил тил қора бошнинг душманидир).

Шоир ҳар бир ишни уйлаб, ақл-фаросат билан кишини маслаҳат бериб айтади:

Шошиб қилса ишни, сукут қил, сабр,
Шошиб қилинган ишлар охири жабр...

Юсуф Хос Хожиб одамгарчилик, вафо ,садоқат ва марҳаматни инсоннинг олижаноб сифатлари деб баҳолайди ва шу сифатларни хормай-толмай тарғиб этади. Мана бир тўрғлик:

Сенга ким қиларқан одамгарчилик,
Жавоб бер унга сен қилиб яхшилик.
Вафо қил, одил бўл, ном ол мангулик,
Ўзим улсам ҳам, эзгу отим қолса бас.

Шоир ёшларга мурожаат қилиб, уларни яхши хулқ-атворли, ота-онага нисбатан доимо иззат-эҳтиромда бўлишга чақиради:

Отанг ландига сен тўғал қил амал,
Юрарсан бўлиб бахтиёр ҳар маҳал
Отангни, онангни севингир тамом,
Бу хизмат етўргай тилакқа.

«кутадғу билик» халқ оғзақи ижодининг самарали таъсирида вужудга келган дostonдир.Шоир бу асарида айниқса халқ мақоллари ва таъбирларига катта аҳамият беради, ўзи ҳам халқ мақолларига ухшаш хикматли сўзлар яратади.

Тил ақл ва билимнинг таржимонидир.

Ақлсиз кишилар мевасиз дарахтдир

А. Навоий 1441 йили 9-февралда Хирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси Гиёсиддин кичкина ва бир неча қариндошлари теурийлар саройига яқин турган амалдорлар бўлиб, бувилари эса теурий шахзодаларнинг энагалари бўлган. Алишер гўдаклигидан теурий шахзодалар билан бирга тарбияланди. Зийрак ва қобилиятли Алишер мактабда болалардан ажралиб турар,

катталарнинг диққатини ўзига жалб қилар эди.

Навоий Марказий Осиёдаги илғор фалсафий, ахлоқий фикрлар тараққиётини ўз қарашларини намоён қилган. Навоий ахлоқни юксак инсоний фазилатларига эргашиш деб таърифлайди.

Алишер Навоийнинг фикрича ахлоқ тизимсида, адолат категориясида марказий ўринни эгаллайди. Адиб яхшилик кишиларнинг бир-бирларига ҳурмати, ўзаро ёрдами ҳамдардлик ва шу каби ҳолатларда намоён бўлади деб таърифлайди, у ўзининг «Хайратул-аброр» асарининг бир неча бобини бевосита одоб-ахлоқ ва таълим-тарбия масалаларига бағишлайди.

Алишер Навоий хикматли сўзлар билан яхши ҳуққ-одобни меҳнатсеварлик ва бошқа эзгу хислатларни тарғиб этади, ярамас одат ва хислатларни шавкатсиз танқид қилади.

Улардан ҳар бирининг моҳиятини очиб беради. Саховат инсоннинг энг яхши сифати ва фазилатидир. Бироқ саховатнинг ҳам ўз шартлари бор: сахий киши муҳтожларга кумақлашиши саховат бегараз, беминнат бўлиши керак. Қилинган саховатни айтабериш манманликдир.

Бошқаларнинг саховатига кўз тикишдан кўра ўз кўл кучи билан кун куриш афзалроқ ва олийжанобликдир. Навоий бу фикрни тулароқ ифодалаш учун “Хотамтой” ҳикоясини келтиради.

Хотамдан, «сен ўзингдек бошқа бирор химматли кишини курганмисан,» деб сўраганларида, У бундай ҳикоя қилади:

Кунларнинг бирида катта зиёфат олдида далага чиқиб айланиб юрганимда, чўп хас йиғиб бозорга бораётган комати букчайган бир муйсафидни курдим. Унга Хотамитойнинг уйига бориб ноз-неъматидан баҳраманд бўлсангиз, бу машшакатли меҳнатни сизга ким куйибди, десам, муйсафид бундай жавоб қилди:

Сен доғи чекқил бу тикан меҳнатин,
Тортмагил хотамитой миннатин
Бир грам олмоқ чекибон даст ранж
Яхшироқ андинки биров берса ганж.

Хотам ҳикоясини:

«Улқи бу янглиг сўзи мавзум эди

Мендан анинг химматини афзун эди». Сўзлари билан тугатади.

«Хайратул-аброр» нинг олтинчи мақолати одоб масалаларига бағишланган. Навоий бу мақолатида кишилар билан муносабат ва муомила мезони ўзини тута билиш бола тарбияси ва бошқалар ҳақида қимматли фикр мулохазаларни баён этади.

Одоб билан тавозий бир бутунликни ташкил этади. Киши ҳар бир кишининг ахволига яраша муомила қилиши ва катталарга хизмат, кичикларга шафқат этиши лозим.

Навоий бола тарбияси, уни вояга етказиш ўқитиш ва балоғатга етказиш ҳақида кенг тухтайди. Шу билан бирга у болаларга муурожаат қилиб шундай насихат қилади:

Бошни фидо айла ота бошига
Жисмини қил сатка она қошига
Тун кунингга айлагали нур фош
Бирисин ой айла, бирисин қуёш

Шоир ўзини тута билмаслик, ўринсиз кулгу ва бошқа салбий хислатларни ҳам каттик қоралайди. Таом емоқ, кийим киймоқ ва бошқа масалалар ҳақида қимматли фикрлар юритади, насихатлар қилади. Мақолага илова қилинган «қаноатли ва таъмагир» ҳикоясида Навоий хомтама даҳрда ранж эрур ғоясини илгари сўради. Хайратул Аброр мақолатда Навоий вафо ва садоқатни таъриф ва тавсиф қилади. Кишиларни ҳамжиҳат бўлишга, бир-бири билан қовушишга чақиради.

Шоир вафо ва севгини узвий равишда бир-бирига боғлайди. Севгисиз ҳаёт йўқ, вафо эса севгининг шартидир дейди.

Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш.
Ёрки, онимки вафо йўқ анга,
Шаъм кабилурки зиё йўқ анга

Мақолатнинг охирида шоир ўз муҳитидан инсофсиз кишилардан шикоят қилади ва вафо садоқатнинг моҳияти ва

хосиятини кучайтириб курсатиш учун вафодорлиги туфайли Амир Темурнинг катлидан омон қолган Хиндистонлик икки вафодор ёр ҳақида келтиради. Ростлик ва тўғрилиқни акс эттирувчи 3 мақолатда Навоий хилма-хил ухшатишлар ёрдами билан ростуйлик ва тўғрилиқни фойдаси, ёлғон сўзлаш ва эгриликнинг зарарини баён этади.

Навоий ун учинчи мақолатини элга манфаат етказиш масалаларига бағишлангандир. Ҳақиқий одам эл-юртга фойда етказиши қул кучи ёки маблағи билан, ширин сўзи ва маслахати билан мадад бериши лозим, шу билан бундай киши ўзгаларгагина эмас, балки айни чоғда ўзига ҳам фойда келтирган бўлади.

Аксинча, агар киши ўзгаларга ёмонлик қилса, балки у биринчи навбатда, ўзига ёмонлик қилган бўлади.

Курилган бобларда кишининг яхши ва ёмон сифати, хислати ва одатини бир-бирига қарама-қарши қуйиб, бирини ёқлаб тарғиб қилган, иккинчи бирини қоралаб рад қилган Навоий кейинги бир неча мақолини ярамас ва жирканч сифат, хислат одатни беъмани хулқни фош этишга бағишлаган. 15 мақолатда майхурлик ва майхурларни, 16 мақолида худбинлик ва худбинларни аччиқ танкид қилади. Уларнинг афт башараларини ҳам ички дунёсини ҳам фош этади. Бироқ, Навоий ахлоқнинг синфий мохиятини ярамас хулқ-атвор, синфий қарама-қаршилиққа асосланган жамиятни, жумладан феодал клерикал муҳитнинг махсули эканлиг тушунмас, тўғрироғи Навоий яшаган давр унга имкон бермас эди.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди улуг шоир, олим, маърифатпарвар, инсонпарвар Низомиддин мир Алишер Навоий 15 асрда Теурийлар даврида яшади, ижод қилди.

Навоий фан соҳаларини: адабиёт, тарих, тил билимларини, санъатнинг турли соҳаларини: мусика, расм, ҳаттоғлик шу кабиларни ривожлантириш учун ҳаракат қилиш билан бирга илм ва санъат арбобларига ёрдам берар, уларни рағбатлантирар ва уларга қимматли маслаҳатлар берар эди. Навоий илмий, адабий асарлар яратишда шогирдларига намуна кўрсатди. Ўзининг кўп вақтини асарлар яратишга бағишлади. Унинг асарларининг деярли ҳаммаси тарбиявий ва илмий

аҳамията эга бўлиб, халқ манфаатини турмуш ҳақиқатларини куйлар эди. Унинг бундай асарларидан бири «Ҳамса» ўзбек шеърятининг гулгожи бўлиб, Навоий уларни 1483 йилдан бошлаб 1484-1485 йилларда ёзиб тугатган.

«Ҳамса»га киритилган достонлар: «Хайратул аброр» (1483 й.) «Фарход ва Ширин» (1484 й.), «Лайли ва Мажнун» (1484 й.), «Сабъаи сайёр» (1484 й.), «Садди Искандарий» (1485 й.).

А. Навоий бу достонларида ҳаётнинг энг муҳим томонлари ҳақидаги тарбия ва инсоний фазилатлар тўғрисидаги ғояларни олга сурди. Навоий қаламига мансуб бўлган 2600 та газалда ҳам инсон ва унинг камолати мадҳ этилади. Уларда одоб ва камтарлик, каноат, инсоф, вафо, ишқ, ростгуйлик, дўстлик ва биродарлик бир-бирига ёрдам бериш ва бошқа ажойиб инсоний фазилатлар ҳақида кенг ва атрофлича фикрлар айтилди. Куйида Навоийнинг одоб ахлоқни улугловчи кишиларни одобли бўлишга чақирувчи ҳикояларидан парчалар келтирамиз. Унда инсоннинг шараф ва мартабаси улуглиги одобдан. одобли киши доимо тўрда, эзгу - эҳтиромда бўлади дейилади.

Хуш сўзга ким улса масту беҳуш

Шарбат аро заҳарни қилур нуш.

Ҳар кимки сўзи ёлғон, ёлғони захир бўлгач у ёлғон.

Ёлғон афсоналарда уйку келтирувчи, ёлғонни уйкуда тақаллум сўрғувчи ёлғон айтувчи нафлатладир. Сўзнинг аснофи чуқур ёлғондин ёмонроқ синфи йўқдир.

А Навоий 1500 йилда турмуш тажрибалари, ижтимоий сиёсий, таълимий ва фалсафий қарашларини жамловчи «Махбубул қулуб» (қунишларни севгани) асарини ёзди. «Махбубул қулуб» XI аср ўзбек бадиий прозаси намуналаридан биридир. Бу асар уч қисмдан иборат. Навоий 1 чи қисмда турли ижтимоий табакалар, касб-хунар эгаларининг жамиятда тутган ўрни ҳақида баҳс юритади.

У шох, вазир, кози, савдогар, амалдор ва бошқа ҳоким тоифаларини танқид қилади. Уларни инсоф ва адолатга чақиради. Навоий меҳнат ахлини, айниқса меҳнаткаш деҳқонларни ҳурмат билан тилга олади, уларни қалби соф,

жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган, ҳаммага озик-овқат етказиб берувчи кишилар деб эъзозлайди.

Асарнинг иккинчи қисми ахлоқ ва таълим-тарбия масаларига бағишланган бўлиб унда одоб, сахийлик, садоқат ва бошқа масалалар ҳақида фикр юртилади. Навоий укиш ва укигиш масалаларига катта эътибор беради. А.Навоий Хуросон ҳоқими Хусайн Байқаро саройида бош вазир экан. Кунлардан бир куни Хусайн Байқаро эрталаб саройга кириш олдида Навоийга куруниш берибдида, курсатгич бармоғи билан бошини курсатибди. Навоий ҳам худди уша бармоғи билан тилини курсатибди.

Хусайн Байқаро бошини чайқабдида саройга кирмай изига қайтибди. Воқеани кузатиб турган Навоийнинг шогирдлари бу имо-ишораларни сабабини сўрашибди. Навоий бу жумбоқнинг ечимини ўзларига хавола қилибди. Шогирдлар уйлаб-уйлаб топишолмабди. Шогирдлардан бирини ҳаёли кочиби сиёҳдонни ағдариб юборибди. Шунда Навоий:

-Абдулатиф ҳаёлингиз нега мунча паришон бўлиб қолди? Сиёҳдон ағдарилдику,- дебди.

-Кечиринг устоз, халиғи муаммонинг сабабини уйлаб ҳаёлим кочибди,- деди Абдулатиф

Навоий бояғи имо-ишоранинг маъносини айтиб берибди.

-Хусайн «Бошга балони нима келтиради?» деб сўраб эди, «Тил» деб жавоб қилдим.

Шогирдлари Навоийнинг зийракчилигига қойил қолишибди.

* Мавзу: Исломнинг одоб-ахлоқ таълимоти

РЕЖА:

1. Қуръони Карим ва Сунна одоб-ахлоқ таълимотининг асосидир.
2. Исломнинг одоб-ахлоқ қоидалари ва уларнинг классификацияси.
3. Ислом одоб-ахлоқ таълимотининг мусулмон халқлари тарихида тутган ўрни.

Таянч тушунчалар:

Шариат, Ислом, Дин, Сунна, тарикат, фарз, Мубох, Ҳаром, Макрух, Мустакрон, Иймон.

Назорат саволлари

1. Куръони карим ,шариат ва дин тушунчалари.
2. Исломнинг одоб-ахлоқ қоидалари.
3. Ислом динининг мусулмон халқлари ҳаётида тутган ўрни.

Инсон-бу ёруғ дунёнинг азизу мукаррам хилкати, ҳаёт гулпожиси, жонзодлар ичида сарвари. Оллоҳ таоло бандасини яратганда «Менинг ердаги халифам (Ўринбосарим) бўлади», деб улуғлаган. Одамзод шундай муътабар шарафга муяссарлиги учун қадр-қиммати эъзозу эҳтиром этиб улуғланади.

«Сўнги йиллар мобайнида биз тарихимиз, динимиз, маданиятимиз ва маънавий утмишимизни ўрганишда муайян ишлар қилдик, - дейди халқ сардори Президентимиз. Тарихий, диний рисолатларни нашрдан чиқардик. Урф-одотларимизни, миллий маросимларимизни кенг тарғиб қилдик. Борлигимизни, бойлигимизни, қадриятларимизни дунёга аён қилмоқдамиз. Ана шулар эвазига халқимизнинг қаддини ростлашга, ҳақиқий миллий гурурни тиклашга эришяпмиз. Халқимизнинг миллий биринчи гурури ўсиши билан муштарак ҳолда дунёқараш, тафакқури ҳам янгиланмоқда».

Ислом дини таълимоти шахсга ситганишни инкор этади. Оллоҳ таоло бандаларига қуръони Карим китобини нозил қилиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламни юбориб дунё ва охират курсатмаларини баён этиб берган.

Оллоҳ таоло ўз бандаларига юборган ҳукмлари туғлами. «Шариат» арабча-тўғри йўл, илохий йўл, қонунчилик деган маънони билдиради.

Шариат-Ислом диний ҳуқуқ тизими бўлиб, унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий нормалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган. Яъни банда қилиши лозим бўлган ва тақиқланган вазифаларнинг баёни бор.

Оллоҳ таоло дин ва шариат ҳукмларини бандаларга қайси йўл билан билдиради?

Оллоҳ таоло ўз бандалари ичида энг лойиқларини

Пайғамбар этиб сайлайди ва ўша Пайғамбарларга фаришта Жаброил воситасидан дин ҳукмларини ўргатади, сунгра пайғамбарлар бу фикрларни одамларга етказди.

Дарवेशликдаги 40 мақомнинг шариатдаги
10 таси куйидагилардан иборат:

- 1) Ҳақ таолонинг борлигига, зоти ва сифатига имон келтирмоқ;
- 2) Намоз ўқимоқ.
- 3) Рўза тутмоқ.
- 4) Закот қилмоқ.
- 5) Ҳаж қилмоқ.
- 6) Мулойим сўзламоқ.
- 7) Илм ўрганмоқ.
- 8) Ҳазрати Расули Ақрам саллолоху алайхи вассаламнинг суннатларини бажармоқ.
- 9) Амри маърифни бажармаслик.

II. Тарикатдаги 10 та мақом куйидагилар:

1. Тавба қилмоқ.
2. Пирга қўл бермоқ.
3. Хавф, яъни Оллох қаҳридан қўрқиш.
4. Рижо, яъни оллох раҳматидан умидвор бўлиш.
5. Доимо зикр айтмоқ.
6. Пирнинг хизматида бўлмоқ.
7. Пирнинг ижозати билан сўзламоқ.
8. Насихат тингламоқ.
9. Тажриб бўлиш.
10. Тафрид бўлиш.

Шариатда асос қилиниб қуръон ва сунна, кейинчалик ижмоъ ва киёс олинган. Шариатда халифалик ҳуқуқини нормалари, восийлик курсатмалари берилган. Шариат диний-ҳуқуқий тизими сифатида XI-XII асрларда тугал шаклланган Исломдаги суннийлик ва шиалик Шариат тизимлари Марказийсида маълум тафовут бор. Суннийликда хонифия, малиқил, шофиния ва ханбалия масхабларининг, иноқлигида эса жаъфария мазхабининг ўзига хос ҳуқуқий тизимлари мавжуд. Шариатда давлат ҳуқуқи нормалари, мажбурият, мерос, жинойт, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқлари шунингдек суд юритиш васийлик

қўрсатмалари берилган. Шариатда шунингдек намоз ўқиш, рўза тутиш, закот, ҳаж ва шу кабилар ҳақида батафсил курсатмалар келтирилган. Шариат ҳукмлари мусулмон мамлакатларида конун ҳисобланиб келган ва шу кунгача шундай сақланиб қолган. Чунки шариат инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилибгина қолмай, унинг турмушдаги барча ҳагги-ҳаракатларини батафсил ёритиб беради.

2-масала.

Шариат ҳукмлари нимадир? Ислон динидаги этиқод, ибодат масалалари ҳукмдир.

Шариат ҳукмлари Ояти карима ва Хадиси Шарифларда баён қилинган. Хадиси Шариф пайғамбарларимизнинг муборак сўзларидир. Шариат ҳукмларини билиш учун муштахид оулом қарқор, яъни араб тилини биладиган, оят ва хадислардаги ҳикмат ва сирларни яхши биладиган кишилар муштахид дейилади. Амал бандаларнинг ҳаётда қилган ишлари. Ислонда банданинг амали саққиз қисмга бўлинади:

1. Фарз.
2. Вожиб.
3. Суннат.
4. Мустаҳад.
5. Мубох.
6. Ҳаром.
7. Макрух.
8. Мустақрах.

Ушбу амалларнинг баъзиларини бажариш шарт, баъзиларини бажармаса ҳам бўлаверади.

Шариатда барча ҳагги-ҳаракатлар дастлаб 2 тур - ҳаром ва ҳалолга ажратилган. Кейинчалик 5та категория вуҷудга келган.

Булар: фарз бажарилиши қатъий мажбурий ҳисобланган ҳагги-ҳаракат;

Мандуб (суннат) мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим деб ҳисобланган нормалар;

Мубох-ихтиёрий нормалар;

Макрух-қатъий равишда таъқиқланган ҳагги-ҳаракатлар;

Фарз қандай амал?

Фарз (арабча-мажбурийат). Фарз-Оллоҳ буюрган амал, уни қилган

киши савоб топади. Ўзрсиз бажармаган киши эса кофир ва имонсиз бўлади. Оллоҳга имон келтириш ислом динидаги беш вақт намозни ўқиш, Рамазон ойида ҳар куни рўза тутиш.

- **Вожиб қандай амал?**

Вожиб ислом динида бажарилиши шарт бўлган амал, уни бажарган киши» савоб олади, бажармаганлар гуноҳ оладилар. Фитр намозини ўқиш, ҳайит намозини уқиш, садақа ва фитр бериш, қурбонлик суйиш, қуръонда сажда оятлари уқиган пайтда сажда қилиш кабилардир.

- **Суннат қандай амал?**

Пайғамбаримиз Муҳаммад қилган амаллари. Суннат амалини қилган киши савоб топади, қилмаган киши гуноҳкор бўлмасада киёмат куни пайғамбаримизнинг шафоатларига лойик бўлмайди.

- **Суннат қандай амал бўлиб, суннат амали нималарда курилади?**

Яхши ишларни бисмиллохир раҳмонир раҳим деб бошлаш, мумин кишиларга салом бериш, Қуръон уқиганда «Ло иллолоху Муҳаммад ул Расулох» бирла бошлаш сингари амалдир.

- **Мубох (Мустаҳаб) қандай амал?**

Халол таомларни ейиш, халол ичимликларни ичиш, угириш, туриш, юриш ва зарарсиз сўзларни айтиш.

- **Ҳаром қандай амал?**

Ислом динида ҳаром катъий таъқиқланган амалдир. Уни қилган киши қаттиқ гуноҳга ботади. Халол дегувчилар эса имонсиз ва кофир ҳисобланадилар.

- **Қандай кишилар ҳаром ҳисобланади?**

Ноҳақ одам ўлдириш, одамзотга ва ҳайвонларга зарар келтириш, зулм қилиш, угирлик, ёлгончилик, ароқхўрлик ва зинокорлик.

- **Макрух қандай амал?**

Ислом дини таъқиқлаган амал ҳисобланади.

- **Макрух амали нималарда куринади?**

Масжидга туфлаш, масҳарабозликларни томоша қилиш, одобсиз шеърларни куйлаб хофиз булиш, уятсиз шеърларни битиш кабилар макруҳдир.

Шариат категориялари: ҳалол ва ҳаром, фарз, суннат, мубоҳ ва макруҳ амаллари тўғрисида ҳадислар ҳам битилган.

Бир одам руҳсатсиз бошқа бир кавмининг уй ичига қараса, уй хожиси унинг кўзини уйиб олиши ҳалолдир;

Бир одам учраган кишига аввал салом берса, у киши Аллоҳ ҳам Расуллоҳ олдида энг яхши кишилардандир;

Аллоҳ йўлига, яъни унинг ризолигига закот, хайр-эҳсонлар қилиш, бева-бечораларга ғамхўрлик лозим. Ман қилинган, ҳаром деб эътироф этилган нарсалардан кишиларни қайтариш хусусан ўзи ҳам бундай ишларни қилмаслиги лозим; Эй, Худо, фақат сенга сигинаман, сендан бошқа раббим йўқ.

Ислом одоб-ахлоқ таълимотининг миллий қадриятларини тиклашдаги ўрни ва роли ҳозирга кунда ўзининг ижобий асосини курсатмоқда. Миллий қадрият халқни халқ, миллатни миллат қилиб курсатади, шунингдек халқнинг қудратини мужассамлаштирадиган улуг кучдир.

Ислом динининг шариатга тегишли амаллари ҳозирги даврда миллий қадриятларимиз ва урф-одадларимиз шаклида ўзига хос бўлган муҳим аҳамият касб этмоқда.

1992 йил декабр куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг асосий Қонуни-Қонституциямиз ҳам фуқороларнинг динга бўлган муносабатлари қонунда ўз аксини топган. Шунингдек Президентимиз И.А.Каримовнинг 1995 йилда нашр қилинган «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» номли рисоласида ҳам маънавий, миллий урф-одадлар, қадрият масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган ва бу масалаларни давлат ўзининг назорати ва эътиборида эканлигини курсатиб ўтилган.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли ўзбек халқининг миллий қадриятлари бутун жаҳон бўйлаб қад қутарди. Жаҳон халқлари орасида Ўзбекистон энг йирик мамлакатлар қаторида ўрин олди. Ҳақиқатдан ҳам ўзбек халқининг маънавий ҳаётида ўзгариш юз берди. Тарих тикланди, умуминсоний миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди. Юртимизга халқ севган Навруз кириб келди. Рамазон, қурбон ҳайитлари нишонланадиган бўлди, динга муносабатимиз ўзгарди. қуръони қарим, Ҳадиси-шарифлар ҳаётимизда дастур омал бўлиб қолди.

Халқимизда ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ривожланди. Ўзбекистон фуқораларининг ҳаёти, эрқи, шаъни, қадр-қиммати муқаддас саналиб, улар давлат томонидан ҳимояланганидан бўлди. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида: «Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, қадрияти, ор-номуси, шон-шарафи унинг ута меҳрибонлиги ва соф виждонлигига асослангандир»-дейди.¹

Демак, миллий қадриятларни тиклаш биринчи навбатда халқ манфаатларини ёклаш, элга фойда келтиришдир. Халқимиз ўз ҳаёти, турмуш тарзида олижаноб ғояларни мужассам этган одоб-ахлоқ қоидаларига, маънавий қадриятларга таяниб келган. Шундай илғор ғоялар туфайли элимизга адолат, ростгуйлик, ҳалоллик, покизалик, бировнинг ҳақиға ҳиёнат қилмаслик, ногиронларга меҳрли бўлиш, одамийлик, қардошлик ва бошқа миллий қадриятлар ривож топган.

Миллий мафкурамиз, биринчи навбатда халқимизнинг азалий удумларига, тилига, динига, рухиятига бир сўз билан айтганда миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафакқурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умуминсоний, ютуқлардан озикланиб, уларни ўзига камраб олган ҳолда, ватан равнақи халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

МАВЗУ: КАСБ-ХУНАР ЭҒАЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИ

РЕЖА:

1. Касб-ҳунар таснифи ва мазмуни.
2. Педагог ахлоқи. Педагогик ахлоқий қадриятлар.
3. Манфаатдорлик ва бозор ахлоқи. Тадбиркорлик маданияти.
4. Касбий мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч тушунчалар:

Касб, ҳунар, педагог, қадрият, бозор, тадбиркорлик, касбий мулоқат.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли Т. 1992 й 77 бет.

Назорат саволлари:

1. Касб-хунар тўғрисида тушунча.
2. Педагог ахлоқи ва унинг мазмуни.
3. Манфаатдорлик ва бозор муносабатлари.

Мустақил Республикамизда юз берадиган туб ислохатларни амалга ошириш, ҳаётга жорий қилишда мутахассис кадрлар асосий роль уйнайди. Хайдовчи бўлмай туриб машинани, учувчи бўлмай туриб самолётни, ҳулас бир соҳанинг етук мутахассиси бўлмай туриб уша ишни эглаштириб бўлмаганидек, аста-секинлик билан бозор иктисодиётига утиб бораётган ёш мустақил республикани ҳам ҳар томонлама кенг камровли қадриятларсиз улкан тараққиёт йўлига олиб чиқиш мумкин эмас. Президент Ислон Каримов: «Чуқур ислохатларни амалга ошириш, бозор иктисодиётига ўтиш, биринчи навбатда кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатдан тайёргарлигига боғлиқ бўлади... Бу эса бутун маданият ва таълим тузилишини тубдан ислох қилишни такозо қилади», дея қайта-қайта уктириб келмоқда.

Замон бизнинг зиммамизга янги, демократик жамият куриш билан бирга мустабид тузум қолдирган опир асоратлардан халос бўлган, юксак маърифатли, улқан салохиятли авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифани юклади. Баркамол инсонни вояга етказиш учун энг аввало оила, маҳалла, мактаб, жамият ва давлатнинг ўзвий ҳамкорлигини юкори поғонага кутариш лозим.

1. Профессионал этик-профессионал ахлоқ ҳақидаги таълимот, умумий ахлоқий принцип ва нормаларни турли касблар хусусиятларига асосан қонунлаштиришдан иборатдир.

Профессия (лотинча-professero сўзидан) расмий равишда курсатилган машғулот, ихтисос, меҳнат фаолияти тури бўлиб, муайян тайёргарликни талаб қилади ва тирикчилик манбаи ҳисобланади. Профессионал этика ахлоқни специонал назарияси сифатида қулдорлик жамиятида ижтимоий меҳнат таълимоти бўлиб, ихтисослар ва профессионал ахлоқ спецификаси пайдо бўлиши билан боғлиқ равишда вужудга келади.

Касбларнинг мавжудлиги кишилар Марказийсидаги

професионал алоқаларнинг ўзига хос хусусиятларини пайдо қилади. Меҳнат объектига, меҳнат қуролига, усул ва вазифаларига қараб, кишидан муайян турдаги ҳаракатларни талаб этадиган вазиятларни такрорланмас ўзига хослиги вужудга келади.

Инсоннинг ижтимоий моҳияти, ижтимоий меҳнат тақсимооти ахлоқ хилма-хиллигининг ижтимоий манбаларини белгилайди.

Професионал ахлоқ ўз «шон-шавкати»га эга бўлиб, унинг баъзи ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Ҳар бир ихтисос ҳамда ухшаш ихтисос гуруҳлари учун улардан қуйидаги асосий хусусиятларни кўрсатиш мумкин: профессионал ахлоқнинг марказий категорияси бўлиш, профессионал бурчни адо этиш учун ахлоқнинг ижтимоий муҳимлиги. 2) Мазкур ихтисос учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ахлоқий талаблар муайян объектларнинг салмоғи. 3) Ахлоқий талабларнинг қонуний бажарилиши ва у ёки бу ихтисос вақиллари онгида мустаҳкамланиб қолган алоҳида қоидалар, урф-одатлар, майллар, таомилларнинг мавжудлиги.

2. Ихтисосларнинг ўзи меҳнат ғайратининг объекти ва ҳажми билангина эмас, балки таъсир қилган курсатиш мақсадлари билан ҳам фарқ қилиши сабабли -професионал этиканинг қонуний турларини чунончи, раҳбарлик, педагогик, врачлик, юридик, партиявий, ҳарбий, театр, спорт, дипломатик ва бошқа турларини фарқлайдилар. Мазкур ихтисослар намоёндаларига жамият юксак ахлоқий талаблар қўяди.

Масалан, раҳбарнинг асосий ахлоқий сифатлари, унинг одамларни ўзига жалб қилиш қобилиятида. Улар билан тил топишида, ўз қул остидаги хизматкорлар билан қўндалик яхши муомалани ўрнига қўйиш маҳоратида ўз ифодасини топади. Раҳбар ходимларининг шахсий сифатларини, уларнинг характерларини, эҳтиёжларини билиши керак. Раҳбарнинг ходимлар билан муносабатларида ишонч, уларга адолатли бўлиш бирон-бир шахсий симпатия ва хомийлик ёки ошна-оғайнигарчилик қўринишларининг бўлмаслиги катта аҳамият қўлади. Аммо амалларастлик ва бюрократизм қўринишларига, лаганбардорлик ва ҳушомадгўйликка берилмай, ўзига берилган лавозимдан оқилона

фойдалангандагина, сўзи билан иши бир бўлгандагина ҳар бир раҳбарнинг ахлоқий позициялари метиндек мустаҳкам бўлади.

Раҳбар камтар, жамоа ютуқларини ўзиники қилиб курсатмайдиган, ўз хато ва янгиликларини тан олишга қодир, коллективда соғлом танкид ва ўз-ўзини танкидга йўл берса амали билан эмас, балки шахсий сифатлари ва ишлари билан қозонган чин ютуғига эга бўлади. Шунингдек врач олдида қуйиладиган асосий ахлоқий талаблар беморга меҳрибонлик, эътибор билан ғамхўрона муносабатда бўлишдир.

Врачнинг фазилатларини (ишга жиддий муносабати, оптимизми, хотиржамлиги, одамшавандалиги) эъзозлайдиган беморга лоқайдлик, ўз вазифасига расмийчилик билан қараш, кўпол муомалали врач учун гайри табиийдир.

Ўқитувчи учун болаларга меҳр-муҳаббат ва ёш авлоднинг тарбияси учун жамият олдида маъсулиятли чуқур сезиш профессионал маънавий кучдир. Қуйидагиларни педагог ахлоқининг асосий профессионал хусусиятлари жумласига киритиш мумкин: 1) ўргатиш, насихат қилиш мақсадида кишилар билан алоқада бўлиши; 2) фикрларни аниқ ифодалаш; 3) билимга доимо билим қушиш ва уни бошқаларга бериш эҳтиёжи; 4) ўз ҳуқуқ-атворини қаттиқ назорат қилиш. Педагог ўзининг тарбияланувчилари учун ахлоқий барқамоллик мезони, нормаси, намунаси бўлиши зарур, негаки, унинг дунёқарashi, ахлоқий қарашлари, эътиқоди, ҳис-туйғулари, ҳуқуқ-атвори, ҳатти-ҳаракати, ҳар-хил ҳодисаларга муносабати, унинг бутун ҳаёти укувчиларига озми-кўпми таъсир этади.

Суд этикаси судловни олиб бориш маданиятини-ўзини тута билиш, суддаги нутқларнинг зарур профессионал ранглилиги, сўроқ қилиш ва масалалар қуйиш усули, судьянинг прокурор, оқловчи билан ўзаро алоқаси ва қоидаларни ҳам талаб этади.

Профессионал функцияларни адо этишда ахлоқий, олим фаолиятида ҳалоллик билан илмий ҳақиқатни излашда, ўзи қашф этган ҳақиқатнинг тақдири тўғрисида астойдил қайғуришда, халққа хизмат қилишдан иборат юксак мақсадда намоён бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг профессионал

вазифаси харидорлар, мижозлар ва хоказолар билан ҳушмуомиллада ва самимий муносабатда бўлишдан ва хоказолардан иборатдир.

3. Биз кириб бораётган бозор иктисодиётининг қонуниятларидан бири шундан иборатки, меҳнаткаш инсон, у қайси соҳа мутахассиси бўлишидан қатъий назар, даставвал тадбиркор ишбилармон бўлиши керак. «Айни бозор муносабатлари, деб таъкидлайди И.А.Каримов одамларни янгиликка интиладиган, илм-фан техниканинг сўнгги ютуқларини дадил ва тез жорий этадиган, касб-маҳоратини муносиб қадрлайдиган қилади». (И.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти. 1994йил).

Тадбиркорлик фаолияти эса муайян шароитларда руёбга чиқади ва ўзида куч ҳосил қилади. Тадбиркорлар биринчи навбатда мустақиллик ва эркинликка эга бўлиши керак. Маълумки, инсонлар ўз имкониятлари, ҳаётга ва ишга муносабатлари жиҳатидан ҳам турлидир.

Истиклол туфайли юртимизда тадбиркорликнинг ёйилиши учун қулай шароитлар вужудга келди. Олий мажлиснинг XIV сессиясида қабул қилинган «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунда бу борада қилиниши лозим бўлган навбатдаги ишлар аниқ белгилаб берилди. Эндиги вазифа қабул қилинган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини сўзсиз ҳаётга тадбиқ этиш, одамларнинг меҳнат яратишга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама қўллаб қувватлашдан иборатдир. Меҳнатсеварлик киши камолотининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. У одамни муҳтожликдан, ҳаётдан зерикишдан, ахлоқий бузилишдан асрайди.

Қуръони Каримда ва пайгамбаримизнинг ҳадисларида раҳбарнинг маъсулияти ва улардан талаб қилинадиган сифатлар тўғрисида батафсил гапирилган.

Дарҳақиқат, раҳбарлари золим, меҳрсиз, адолатсиз, нафсга қўл бандалардан бўлса, уша юртдаги фуқороларнинг ҳолига вой. Шундай раҳбарларни кўзда тутиб, Пайгамбаримиз: «Эй парвардигор, умматларимизнинг бирор ишига ҳоқим бўлган киши уларга жабр қилса, сен ҳам унга жабр қил. Агар уларга

яхши муомилада бўлса, сен ҳам унга шундай (яхши муомилада) бўл!» дейди.

Нопок кишилар раҳбар бўлган ёки раҳбарият ташкилотларида нопок ходимлар аралашган жойда адолат, тартиб, меҳр-шафкат кочади, юзига парда тутади.

Турли даражадаги раҳбарлар, халққа хизмат қилишни бўйнига олган мутасадди шахслар нафс тарбиясига ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ аҳамият бермоқлари керак бўлади. Чунки уларнинг маънавий-рухий хомлиги, ахлоқсизлиги, эҳтирос ва инжикликлари ўзларининггина эмас, балки бутун миллатга, жамиятга катта моддий ва маънавий зарар келтиради.

Агар раҳбар, кайси даражада утиришидан каъбий назар, одил бўлса, ўз қул остидагиларнинг ҳурматига сазовор бўлади, унинг бўйруғини сидкидилдан бажаради.

Мавзу: Ахлоқнинг асосий категориялари

РЕЖА:

1. Ахлоқ категориялари ҳақида тушунча.
2. Яхшилик ва ёмонлик ахлоқ категориялари
3. Бурч категориясининг ижтимоий мазмуни.
4. Виждон ва иймон тушунчалари.
5. Адолат категорияси.
6. Шаън ва ор-номус категорияси.
7. Бахт категорияси.
8. Хаётнинг маъноси.

Таянч тушунчалар.

Ахлоқ, бурч, категория, виждон, имон, адолат, шаън, ор-номус, бахт ва хаёт мазмуни.

Назорат саволлари

1. Ахлоқ категорияларининг мазмуни ва моҳияти.
2. Виждон категорияси ва иймон тушунчаси.
3. Шаън ва ор-номус категорияларининг жамият ҳаётидаги ўрни.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан юксак маънавият ва маданиятга эга халқдир. Бу маънавият салоҳиятини бутун жаҳон тан олган ва ундан андозалар олиб келган. Бунга тарихий

мисолларимиз ҳам жуда кўп. II ярим минг йилдан аввал ҳам Самарқанду Бухоролар гуллаб яшнаганлиги жахон пойтахти даражасида бўлганлигини ким ҳам инкор эта олади. Фақат бундай маънавиятга эга бўлган миллатгина минглаб йиллар оша ўз салохиятини, обрусини сақлаб қола билади. Лекин мустамлака даврида бу қадриятлар вахшийларча, маккорона йўқ қилиб ташланишга ҳаракат қилинди. Чунки совет тузумининг асосий мақсади ҳар бир миллат маънавияти ва тарихий қадриятлирини йўқ қилиб ташлаш, советлар қўлигига куникувчи, унга қарши чиқа олмайдиган янгича дурагай миллатини яратиш эди.

Собик тузумнинг ахлоқ қадамларини узиб қўйилганлиги, миллат маънавиятига таъсири ана шундай хунук натижаларга олиб келди.

Маънавият ёшлар ҳаётида муайян ўрин тутади. Маънавиятни ёшларимиз онгига чуқурроқ сингдириш керак, улар ўзлари яшаб турган замонни, она-Ватан тарихини чуқур билсин, халқимиз орасида етилиб чиққан, бутун миллатимизни фахри бўлиб, дунёга танилаётган улут алломалару мутаффақир ва саркараларни яхши ўрганиш, бой тарихий ва маданий обидаларимизни бориб кўриши орқали уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантира борамиз.

Ҳар бир фан ўз категориялар тизимига эга бўлгани сингари этика фанининг ҳам махсус категориялар тизими мавжуддир.

Категория (лот)–«ҳукм» маъносини англатади. Этика категориялари жумласига: яхшилик ва ёмонлик, бурч, адолат, вийждон, шаън ва ор–номус кабилар киради.

Этика категорияларининг ўзига хослиги шундан иборатки уларда фан сифатида этиканинг амалий асосини ташкил этувчи аниқлик энг муҳим томонлари ва элементлари умумлаштирилган ҳолда ўз ифодасини топади. Этика категориялари ахлоқий муносабатларнинг объектив қонуниятларини, жамият ахлоқи ҳаётини ҳамма томонлама ранг-баранглигини акс эттиради. Уларда кишилар ҳатти-ҳаракатлари, қилиқ ва хулқ-афврулари мақулланиши ёки қораланиши ўз аксини топади.

Ахлоқ категориялари ўз мазмуни жиҳатидан асослидир. Этика категорияларининг кўпчилиги кутбий қарама-

қарши ҳарактерга эга, чунончи яхшилик ва ёмонлик, адолат ва алолатсизлик каби. Ҳар бир категориянинг ўзига хос хусусиятлари бор ва улар жамият Марказийсидаги алоқанинг маълум томонларини акс эттиради, илмий билимнинг турли поғоналарини ифодалайди. Баъзи бир категориялар ахлоқ соҳасини нисбатан жуда кенг камраб олади ва ўз мазмунига кўра бир мунча умумий ҳисобланади, бошқалари эса нисбатан тор категориялар бўлиб, ахлоқий муносабатларни шахснинг ички дунёси орқали бирмунча яққол акс эттиради.

Яхшилик ва ёмонлик ахлоқий онгининг бирмунча умумий тушунчаларига мансуб бўлиб, ахлоқ ва ахлоқсизликнинг маъно мазмуни, шунингдек фарқи ҳамда қарама-қаршилигини яхлит бир шаклда акс эттиради.

Инсонлар бу категориялар ёрдамида теварак апрофимизда кундалик ҳаётимизда рўй бераётган ҳамма ҳодисаларни баҳолайдилар ҳамда маъно мазмунига етадилар.

Яхшилик ва ёмонлик ўзаро муносабатли, айна вақтда кутбий ва бир-бирини инкор этувчи категориялардир. Агар яхшилик категориясида бирмунча ижобий нарсалар яъни ахлоқий идеалига мос келадиган нарсалар ҳақидаги тасаввурлар жамланиб, ёмонлик тушунчасида кишиларнинг идеалига зид келадиган, бахтга эришишга, одамлар орасидаги муносабатларда инсонийлик ўзаро ҳурмат-иззатга тускинлик қилувчи тушунчалар ва тасаввурларни ифодалайди. Ахлоқ уламси инсонларнинг хулқларини иккига бўладилар: нафис тарбия топиб, яхшилик қилишга одатланган яхши хулқли ва ёмонликка таасиб қилиб ёмон хулқли деб атаганлар.

Инсониятнинг ахлоқий тараққиёти қандайдир тўғал бўлиши мумкин эмас. Яхшилик ҳамisha конкретдир ва ўзининг зилди ёмонликсиз бўлмайди.

Ёмонлик ҳамisha ҳам куринавермайди, баъзан яхшилик қобиги остида ҳам руй бериши мумкин.

Халқимизнинг ахлоқ андиша шарму ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, сон қадру-қиммати тўғрисидаги тасаввурларга" зид бўлган Европа халқларининг кучайиб бориши миллий инкироз аломатларининг кучайишига олиб келади.

Шу сабабли маънавий тубанликнинг чуқурлашишига

Гарб мамлакатларида кенг тарқалган бағритошлик, котиллик, маиший бузуклик кабилар акс этган фильмлар, журналлар, адабиётлар таъсири ҳам жуда катта бўлди.

Миллий мустақиллик туфайли жамият ҳаётининг барча соҳаларида аста-секин амалга оширилаётган покланиш тобора ойдинроқ кўзга ташланмоқда.

Донолар яхшилик тўғрисида куйидаги фикрларни, яхши хикматларни айтадилар: Яхшилик йўлдан юрдингми, бу йўлдан чиқма. Яхшилик-иссиқ, ёмонлик-совук. Инсон ҳаёти яхшилик заминида яратилган. Ким яхшиликка бошласа уни дўстим деб билгин. Эл-юрт учун яхшилик қилиш яхшиликларнинг гулпожи ҳисобланади.

Бурч-ахлоқнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Бурч ҳар бир кишининг ўз -вазифаларини тулик бажариши, одамларга- тўғри муносабатда бўлиш каби фазилатларни ифодалайди. Бурч-шахснинг жамиятта бўлган муносабатларида намоён бўлади;

Ақл-заковат, тафаккур асосида уларга таяниб ўз бурчини бажариш маънавиятининг асосий фазилатларидан биридир.

Бурч-шахснинг ахлоқий фазилатини ифодаловчи маъсулият, онгли, виждон каби фазилатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бурч муқаддас нарса. Бурчга содиклик Ватанга содикликдир.

Бутунги кунда мустақил Ўзбекистон фуқороларининг бурчи чинакам инсоний жамият куриш ва ижтимоий инсонни тарбиялаш бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқороларнинг бурчларига алоҳида тухталиб утилган. Унинг 11-бобида барча фуқороларнинг конституцияда белгилаб қуйилган бурчларини бажаришга, қонунларга риоя қилишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эрқинликлари шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий маданий меросини авайлаб асрашга, апроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғинларни тулашга мажбурлар ва Ўзбекистон Республикасини химоя қилиш-Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқоросининг бурчидир.

Бурч ўз-ўзидан шаклланмайди, тарбия жараёнида камол топади. Бурчни тарбиялаш жараёнида ўз-ўзига талабчанлик ривожланади. Хотин-қизларга гамхурлик қилиш ҳар бир эрқак кишининг бурчидир.

Виждон-имоннинг ўз хулқини муайян ахлоқ нормалари нуктаи назаридан туриб ахлоқий баҳолаш ва назорат қилиш, ўз ҳатти-ҳаракатларга боғлиқ бўлган хис-туйғуларини, кечинмаларини таҳлил қилишдир.

Инсоний маданият ўсиши билан виждон тушунчаси ривожланиб бойиб боради. Виждон категорияси бошқа категориялар сингари ўзининг ривожланиш тарихида умуминсоний маъно элементлари билан бойиб боради.

Унда кўп жиҳатдан ахлоқ, адолат ва одамгарчиликнинг оддий нормалари ўз аксини толади. Виждон - бу кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл аъвори учун оила, жамият, жамоа, Ватан олдида маънавий маъсулият хис этишдир. Шу юксак ахлоқий тушунча шахсий ижобий ҳатти-ҳаракатларга ундаб ва шунга мойил қилиб, ўз фаолиятига ўзи баҳо беришга олиб келади. Виждонли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан газабга келади, ўз фаолиятининг яхши томонларидан каноатланиб, хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади. Виждон тўғма хислат деғувчилар ҳам бор. Виждон кишиларнинг яшаб турган шароитига, олган таълим-тарбиясига боғлиқ деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд. Виждон кўп ёки оз билимликка, бой ёки камбағал бўлишликка боғлиқ эмас.

«Иймон» арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси «ишончдир». Шариатда эса жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ таоло тарафидан келтирилган барча хабарларига тил билан иқрор этиб, дил билан тасдиқлашга иймон дейилади, яъни қуръони қарим ва Хадиси Шарифлар орқали Аллоҳ тўғрисида, жаннат ва дузах тўғрисида, киёмат каби табиий нарсалар тўғрисида берилган хабарларга ишонч иймондир.

Қалбида иймони бўлмаган одам ҳар қанча савоб иш қилса ҳам унга савоб ёзилмайди. Қисқача қилиб айтсак уч нарсанин бутунлигидан иймон ҳосил бўлади.

«Адолат» сўз мазмунидан поклик, тўғрилиқ, ҳақиқат мужассамдир. Адолат бўлган, жой гуллаб-яшнаган, халқ эрқин

бўлган адолат оёк ости қилинган жойлари эса разолат ҳукм суриб, жамият тубанликка юз тупган. Адолат бўлмаган жойда норозилик, адолат, зиддият, қарама-қаршилиги пайдо бўлиши муқарар. Мусулмон киши адолатли бўлишни энг керакли хислатлардан деб ҳисоблайди. Аллоҳ таоло бандаларини адолатга, яхшиликка, ва қариндошларга гамхур ва меҳрибон бўлишга буюради. Адолат динимизда ардоқланган энг улут хислатлардан бири, бандасини - ярапган заминни топиб унга бўйсинишликни, унинг Аллоҳга нисбатан қилган адолатидир. Агар уни танимаса, бандалик қилмаса адолат мезонини каттик бўзган бўлади.

Адолат Аллоҳни танишда, кишилар Марказийсида ҳукм чиқарганда, оила фарзанд Марказийсида одиллик билан иш тутишида ва бошқа қурилишларда намоён бўлади.

Инсоф, иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг ярмига жаҳонгир эрсада улут қудрат, зўрлик-зўравонликда эмас, аксинча адолатда эканини англаган. Буюк аجدодимиз Амир Темур айтганларидек «Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзалдир».

Адолатпарвар инсондаги ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кунгил, олийжаноб ва мард эканини курсатиб турувчи далилдир. Дунёда адолатпарварликдан кўра кўркавроқ ҳуқ ва табиат йўқ ва унданда шарафлироқ хислат ва иқбол, таъсирлироқ наф қилувчи нарсани топиш амри маҳол.

Адолатли бўлиш- сўзида туриш, катъийлик демакдир. Адолатли киши соғлом бўлади, гам, хатар в қулфатдан ўзок бўлади. Адолатли бўлиш одобнинг устуни, инсонийликнинг асоси ҳисобланади. Адолатли айтилган сўз айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам манфаат етказди.

Инсон камолотининг фазилатларидан ҳисобланган адолат тушунчаси ва адолат туйғуси Навоий донишмандлигининг асосини ташкил этади. Онинг мавжудлиги адолатнинг мавжудлигидир. Навоий тафаккур дунёсининг бош мезони ҳам адолат бўлган. Донолар хикматига амал қилган юртбошимиз И.А.Каримов адолат масаласини баланд кутариб ундан ўз халқини баҳраманд этмоқда. Унинг мунаввар ёдугаридан адолат нуридан баҳра топган халқимиз Ватан боғини обод қилиб, тинч ва осойишта ҳаёт кечирмоқда.

Ор-номус ва қадр-қиммат бошида ахлоқий категориялар билан бир каторда шахс билан жамият Марказийсидаги муносабатларни тартибга солади, ишчиларнинг хулқиға таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ор-номус категорияси ижодининг жамиятдаги ўз кийматини аниглаши ҳамда бу кийматининг жамият томонидан тан олинисини ифодалайди: Ор-номус ахлоқий тушунча сифатида ишчида шахсий ижтимоий аҳамияти ва ахлоқий химмати ҳосил бўладиган фазилатларнинг, яъни жамият бахт-саодати ва унинг тараққиёти учун зарур бўлган фазилатларининг мавжудлигини кўрсатади.

Ор-номус тушунчаси шахсий қадр-қимматни аниглашсини ўз ичига олади. Бу ахлоқий тушунчалар бир-бири билан ўзвий алоқада ва кўп жиҳатдан бир-бирига ухшайди.

Ор-бу ўзига номуносиб қурилган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Бундан ўз ўрнида ҳозир қилиш ёки бўлмаса обру эътибор, фикрланиш маъноларини ҳам билдириш мумкин. Орият-бу ор-номусдан ташқари иззат-нафс, қадр туйғусидир. Одатда ориятли одамлар ўзлари ва оилаларининг иззат-нафсларининг юксак тутадилар ва ўзгаларни ҳам қадрлай биладилар.

Номус - бу иффат, боқиралик маъноларидан ташқари ўз мавкуни сақлаш улуглаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғуларини, оила ва ажлодлар шанига турмушини маъносини ҳам ифодалайди. Одатда номусли одам маънавий қадрияти моддий бойлиги алмашишини ўзига эп қурмоқда.

VII. 1991 йил 1 сентябрда ўзбек халқиға бахт қулиб боқди. Халқимиз узоқ асрлар давомида интиқ бўлиб кутган орзуси мустақлиққа эришди. Истиклол туфайли урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайта тикланди. Натижада фаровонлик, осойишталик бахтиға эришдик. Бугунги кунда ҳар бир Ўзбекистонлик ўзини она юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис қилади ва ундан фахрланади, яъни ўзини бахтли деб билади. Бахтли бўлиш орзусида яшаган кишининг қалби пок бўлиши, ўз нафсини тарбиялаши, яхши ишларни бажаришға одат қилиши зарур.

Кишилар бошқалар билан бўлган муносабатларда ўз

муваффақиятларига эришганларида, ижодий ишларидан мамнун бўлганларида ўзларини бахтли сезади. Шунинг учун ҳам халқимизда «Кишининг бахти-бир билаги». «Бахт йўлда эмас, кўлда». «Бахтли одам излама, бахт йўлини изла» каби мақоллар мавжуд.

Ҳамма нарсаси бўла туриб, обрўси бўлмаган киши дунёда энг бахтсиздир. Киши қалбидан жой олиш энг улуг бахт. Бахтни совға қилиб бўлмайди. Ҳар бир киши ўзининг бахтли бўлишини орзу қилади, аммо бахтли бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бахтли бўлган кишилар ҳаётига назар ташланг. Уларнинг қўпчилиги меҳнат билан ҳурмат қозongan.

Ҳаётда оилани тинч-тотувлиги, фарзандларининг камоли ҳам катта бахт. Шу боис ҳар бир киши учун оила бахтидан улуг бахт бўлмаса керак.

Абдулла Каххор бахт ҳақида шундай ёзади: «Бахтни бировларнинг оstonасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боиси» Бахтли киши доим қувноқ юради. Унинг ақли ва илми-бахт ҳаммасидир.

Ахлоқий этикавий муамолар қаторида яшашидан мақсад ва ҳаётини маъноси ҳақидаги, инсоннинг тақдири ва вазифаси ҳақидаги, киши ҳаётининг махфий сирлари ва мураккаблиги ҳақидаги масала марказий ўринларидан бирини эгаллайди. Ҳаётнинг маъноси муаммоси бўйича ҳаёт фаолиятининг умумий йўналиши тўғрисидаги, у ўз олдига қўядиган асосий вазифа тўғрисидаги масалалар. Ҳаёт бемаъни бўлмаслиги учун нима қилмай, қандай яшаш керак деган саволга жавоб излаш ҳар бир кишининг диққат марказида бўлиб келган. Ахир киши ниманидир ўзгартириш учун ва шу билан биргаликда ўзини бундай ўзгартиришга қобил шахс сифатида қарор топшириш учун дунёга келган.

Этика ишонч ҳаётини тан олган ҳолда фақатгина ҳаётини тўғри тушинишга кишига ишонч бағишлайди, унинг хулқига юриш туришига мақсад сари тўғри йўналиш беради деб ҳисоблайди.

Ҳаётнинг ҳақиқий маъноси «Яшашнинг сир» жамият ривожланишининг етилган вазифаларига қуйиб беришдан, ижодий меҳнатдан иборатдир.».

Инсон ўз ҳаётининг оқилона асосини ва вазифасини, ўз истиқболларини, бутун фаолиятига кўра билими англашиши ва тушуниши керак. Агар мақсадни ошириш йўлида инсон бирма-бир ўтиб бўлмас тўсиққа учраса, у ўз ҳаёт маъносидан маҳрум бўлмаслиги учун умумий ҳаётий йўлига мувофиқ келадиган бошқа олижаноб мақсадларни қанчалик олижаноб, саксон бўлса ҳаётнинг маъноси шунчалик теран ва аҳамиятлироқ бўлади.

Бироқ инсон ҳаётининг маъноси фақат жамият бахт-саодатига эришганига боғлаб қуйиш ярамайди, ҳаётининг маъноси ўз-ўзига хизмат қилишда ҳам, шахсий бахтга эришишда ҳам намоён бўлади.

Мавзу: Ахлоқнинг асосий принциплари

РЕЖА:

1. Ахлоқий принциплар ҳақида тушунча ва уларнинг ахлоқдаги бошқа тушунчалардан тубдан фарқи.
2. Ахлоқий принципларнинг асосий турлари.
3. Ватанга ва халққа ахлоқшуносликнинг асосий принциpidир.

Таянч тушунчалар:

Принцип, ватан, ватанпарварлик, байналминалдик, камолот, инсонпарварлик.

Назорат саволлари:

1. Ахлоқий принциплар ҳақида тушунча.
2. Ватан, ватанпарварлик, байналминаллик тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти.
3. Меҳнатсеварлик, инсонпарварлик принциpi.

Ахлоқ-ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланиб, ҳар бир кишининг жамият ва оиладаги юриш-туриши, тартиб қоидаларининг йиғиндиси сифатида гавдаланади. Демак, жамиятга, оилага, меҳнатга бўлган муносабатида ахлоқ намоён бўлади. Инсон ҳатти-ҳаракатидаги, ҳулқидаги йўналишлар, энг муҳим белгилар мужассамланиб, шахс фаолиятида унинг камол топишида ҳулқ қоидасининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё халқлари ахлоқшунослик соҳасида бой анъанага эга. Ахлоққа оид фикрлар «Авесто» диний ахлоқий

кинобида қадимги турк битикларида ва бошқа ёзма манбааларида ўз ифодасини топган. Чунки асрлар давомида қарийиб 75 йилда орлик ҳукмронлик қилган турғунлик йилларида халқимиз сақлаб келаётган улут инсоний қадриятлар ва анъаналардан жудо бўлишимизга бир баҳя қолган эди.

Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққий йўли» асарида қағдаларни ҳурмат қилишни ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кунгилчилик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар қулфатиға ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар Марказийсидаги муносабатларни меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёриға ўз ватаниға меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимға, устозларига, маърифатпарварларға нисбаган алоҳида ҳурмат эҳтиром Ўзбекистон аҳолисиға хос фазилатлардир деб маънавиятнинг асоси бўлган ахлоққа эътибор беради.

қуръони қаримдаги ва ҳадиси шарифлардаги ахлоқ оид ибратли маслаҳатлар, ҳикоялар асрлар давомида сақланиб келинмоқда.

Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирға ахлоқ-одобни ҳам яхшилангиз. Тангри сахийдир, сахийларни дўст тутати, ахлоқи олий кишиларни ёктириб, ахлоқсизларни ёктирмайди. Мен барча яхши ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман. Ислоҳ, яъни муслмончилик ошқора нарсадир, имон эса дилдадир.

Тинчлик ва хотиржамлик икки улут неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар. Бундан ташқари маънавиятимиз дурдоналари - Навоий, Бобур, Беруний, Фаробий, Жомий сингари буюк сиймолар, олимлар, ёзувчиларнинг ахлоқ ҳақидаги кўлаб фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Инсония оламида гўзал хулқ эгалари кўлаб бўлган. Шунинг учун ҳам уларни гўзал ахлоқли, одобли, хуснли, хулқли кишилар дейилган. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ бундай хислатларнинг тимсоли эдилар. «У кишининг хусни хулқлари ҳар жиҳатдан камолотга етган, мукаммал эди. Аллоҳ нур сурасининг тўртинчи оятида пайғамбар алайҳиссаломни мақтаб: «Сен чиндан ҳам юксак ахлоқ эгасан» деган. Ҳазрати Ойша разияллоху анҳо:

«Пайғамбар алайхиссаломнинг хулқи қуръон эди. қуръон маълум бўлган нарсадан маъмнун бўлар, ғазабланганидан ғазабланар», - дейди. Пайғамбар алайхиссаломнинг ўзлари «Мен гўзал ахлоқларни камолга етказиш учун юборилдим», - деганлар. Аллал: «Расулulloх энг гўзал ахлоқ эгасидир», - деган. Муҳаммад алайхиссалом худди бошқа пайғамбарларга ўхшаб маънавий ва ахлоқий баркамоллика зришган эдилар. Бу зоти муборақлар пайғамбарликқа таяниб, Оллохнинг нури дилларини ёритиш билан фазлу камол чуққисига кутарилдилар. Амир Темур Ахлоқи Хусния-яхши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тадбирли сарқарда сифатида одамларни ишга тайинлашда ҳам вазифасидан озол этишда ҳам шошма-шошарлик ва адолатсизликқа йўл куймаган, балки етти ўлчаб бир кестан.

Амир Темур сингари бутун жахон маънавияти салтанатида ўз ўринларига эга бўлган буюк алломаларнинг ақлоқ, гўзал хулқ эгалари ҳақидаги фикрлари бугунги кун талаби билан ёзилгандек. Жумладан, Ал Бухорий «Ахлоқнинг яхши бўлиши таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик мана шу тўрт хислатни Аллох таоло сенга берган бўлса. дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир» - деб ёзган.

Фаробий эса инсон ахлоқи ҳақида гапирар экан, унинг хислатларини куйидагича таърифлайди:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин;

2. Барча масалани муҳокама ва мулохаза билан тезда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англаб оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрнинг чинлигини тезда пайкаб оладиган бўлсин;

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, қурган, эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам эсидан чиқармай ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;

4. Зехни шу даражада тез ва уткир бўлсинки, бирон нарсанинг аломатини сезиш билан бу аломат нимани билдиришлигини тезда билиб олсин;

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва

айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво ва равшан баён эта олсин;

6. Билиш ва уқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билиминини чарчасиз сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин;

7. Овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлсин, табиати кимор уйинларини уйнашдан ўзоқ бўлмасин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин;

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

9. Рухининг гурури ва виждонини қадирлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин:

10. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолат бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсиз оқибатларни йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин:

11. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин». XX аср бошларида педагогик фикрлар тараққиётининг асосчиси Абдулла Авлоний ахлоқни шундай таърифлайди.

«Инсонларни яхшиликқа чақирғувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур».¹

«Ахлоқ илмини уқиб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким эканини, жаноби халқ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмоқ учун юрганин билтур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмини, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши нарсаларнинг қадрини, кийматини билмас, ўз айбини билиб, икром қилиб, тузатмоққа саъйи ва кушиш қилган киши чин баходир ва пахлавон кишидир».

¹ Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ Т 1992 й 11-бет

Буюк алломалар фикрича, ахлоқда диёнат, исломият, гайрат, каноат, шижоат, илм, сабр, интизом, виждон, ватанни севмоқ, иффат, ҳаё, идрок, хайрихоҳлик, садоқат, муҳаббат каби инсоний хислатлар мужассамлашгандир.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда биз ахлоқ тушунчаларини, яъни асосий тушунчаларини куйидагиларга ажратамиз:

1. Ватан ва халққа садоқат.
2. Ватан, умумхалқ ишига садоқат.
3. Ватанпарварлик ва байналминатлик.
4. Меҳнатсеварлик.
5. Инсонпарварлик.

Бу ахлоқий принципларни биз алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқиб, ҳар бир тушунчага баҳо беришимиз лозим.

2.1. Инсоният яратилибдики, у ҳамиша эзгуликқа интилиб, яхшиликқа ёндошиб яшайди. Порлоқ келажак сари янгидан-янги орзу-умидлар уммонида умр кечиради. Ҳаёт ташвишлари, турмуш оғирликлари, турли-туман қутилмаган яхши-ёмон ходисалар ҳеч қачон уи бу йўлдан қайтара олмайди. Чунки инсон қалби ҳамиша эзгуликқа, яхшиликқа, жамики хушбахтлик ва муҳаббатга йўғирилган бўлади. Жамики эзгуликлар инсон онги ва тафаккурида миллат, ватан тушунчалари билан йўғирилиб, яхлит бир қадриятга айланади. Ана шунинг натижасида ҳар бир киши она-юрт, миллат раънақи, унинг истиклоли, бекиёс муъжизавий ривожини йўлида олиб-югуради.

Дарҳақиқат, ватан билан фахрланиш, киндик қони туқилган муқаддас замин билан гурурланиш барча энг муътабар инсоний фазилатларнинг чуққиси, айни вақтда ноъб ва муқаддас муъжизасидир.

Шунинг учун ҳам шоиру-фозиллар, ватан ҳақида жўшиб куйлашади, ёниб сапрлар битишади. Жажжигина чакалоқ қалбига она сути билан бирга жо бўлган Ватан ва миллат туйғуси инсон онги ва тафаккури таъсирида минг-бир жилюланади ва илохий мазмун касб этади, Зеро, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам «Ватанни севмоқ, иймондандур» деб бежиз айтмаганлар. Ўзбекистон-муқаддас ватан, Ота-боболаримиз хоки ёпан

ер, ўзимиз яшайдиган ер ва фарзандларимизни шу заминга салокат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг бир қаричига меҳр-муҳаббат уйғотиш бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради. Ватанни ватан қилиш туйғуси, маъсулияти, тақдир тақазоси билан ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига тушди.

2.2. Буюк келажакнинг ташвиши билан яшаш бугун ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланди.

Модомики, шундай экан, Ватаннинг эртасини уйлаш бугундан бошланади. Афсуски, бу ҳақиқатни ҳали ҳамма тулик англаб етгани йўқ.

Биз шохона Ватанда яшаяпмиз. Дунё бизни, биз дунёни таниб бораёпмиз. Аслида биз улуглар улуглаб кетган заминда яшаяпмиз. Шарқ илму-урфон марказига айлангани тарихдан маълум. «Шарқ Европанинг муаллимидир», деб ёзган олмон олими Гердер. Ҳақиқатдан ҳам Шарқ дунёга улуг алломаларни етказиб берган кутб. Бу замин фарзандлари юлдузларни кўзатишди, китъаларни кашф этишди, тиббиётда дунёни хайратга солди.

Жахон цивилизациясига улқан хисса қўшган Тўрон замин улуг алломалари билан фахрланади. Бу ифтихор бизнинг зиммамизга қайта маъсулият юклайди. Истиклол шарофати тўғайли бу Ватан туйғусини теранроқ хис қила бошладик. Бизнинг ота-боболаримиз қадимий Шарқни, кутлуг Тўрқистонни дунёга танитган фидоий, ватанпарвар, фикриниқ, мулоҳазали фидоийлар бўлишган. «Жалолитдин Мангуберди ҳалокага тушаётганидан кайғуриб, жанга отланади. Она юрти Навоий юрти учун ҳам чекиб агар мамлакат пароканда бўлса эл тинчлиги йўқолиб азобда қолишини уйлаб, қариган чоғларида ҳам подшоҳ Хусайн Бойқаро билан шахзодалар Марказийсидаги низоларни бартараф қилиш йўлида вилоятма-вилоят кезади. Абдулла Авлоний Тўрқистоннинг келажакига кай-ўриб, нажот-маърифатга деган шиор билан майдонга чиқади, ёшлар илмли бўлсалар, юртни озодликка олиб чиқадилар» деб «Туркий гулистон» ни яратади. Олим, адиб ва арбоб Абдурауф Фиррат юрт учун

қайғуриб шундай дейди:

«Эй улуғ Турон, арслонлар улкаси! Сенга не бўлди ? Холинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?

Тарихий Ватанни ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойини ҳам қадрига етмайди. Бу юрт бошига бирор нохушлик тушса, дархол у ерни тарк этиб, бошқа қулайроқ ерга кета қолади, тирикчилиги учун қулайроқ жойни танлайди. Бундай кимсаларни ўтлоқда емиш тутагач, серсут яйловни излаб кетадиган молга киёс қилиш мумкин. Ватан ҳисси муқаддас туйғу. Хадиси Шарифларда «Ватанни севмоқ иймондандир» деб бежиз айтилмаган. Ватанни севиш ватанпарвар бўлиш демакдир. Ватан маънавияти ва маданияти, фан, адабиёт ва санъат учоғи ҳамда бўлогидир. Инсон учун ватандан юсакроқ бойлик йўқ. Иймон-диёнатдан кетганда аввало кўз унгимизда мозий гавдаланади. Имонни диёнатни тикламай туриб, истиклолни, истикболли буюк Ватанни ярата олмаймиз. Ватан туйғуси ҳар кишининг қонига она алласи, болаликда эшитган шеър-қушиклари билан киради. Ватанпарварлик хиссини ҳар бир ўзбек фуқороси чуқур англаши, айникса, ўзбекистонлик бўлганидан, шу юртга дахлдорлигидан фахрланиши керак.

Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон келажағи буюк давлат» рисоласида: «Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлағи деб хис этаяпти ва бундан фахрлანаяпти. Истиклол берган энг кагта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз!»¹ деб халқимизнинг неча асрлардан буён ягона орзуси она

Ватан истиклоли соғинчи билан яшаганини жуда тўғри таъкидладилар.

Келажақда буюк давлат даражасига кутарилиш мақсади йўлида интилаётган Ўзбекистон Ватани-халқ ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, маънавий қадриятларини ўзида мужассамлаштирмоқда. Ватанпарварлик - бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш. Унинг раўнақи ҳар бир фуқоронинг ўз хиссасини қўшишга эришиш.

¹ Каримов И.А. Асарлар тўплами. I жилд 105 бет. Тошкент 1996 й

Ватанпарварлик-бу она Ватан, мустақил Ўзбекистон тушунчаларини ўз онига сингдириш ва унга содиқ бўлишига эришиш.

Ватанпарварлик-бу Ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда уни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиш унинг ҳақиқий жонқуяри бўлиш.

Ватанпарварлик-бу ўзбек халқининг қадим-қадимлардан Турон, Туркистон деб аталиб келинган кўҳна заминнинг тарихини билишга эришиш. Ватанпарварлик-бу ўз халқнинг маданий мерослари ҳисобланган маданият, санъат, меъморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш ва уларнинг тарихи бугунги кундаги аҳамиятини билиш. Ватанпарварлик-бу ўз миллатига, она ерига, имонига содиқликдир. Ватанпарварлик-бу соғлом кучлар, соғлом тафаккур эгалари, дини, имони покизалигидир. Ватанпарварлик-бу ҳар бир кишининг ўз халқига бўлган фидойиликлари ва халқ дардини ўз дардларидек ўйлаб яшаш, Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишга ҳисса қўшишидир.

Шунинг учун ҳар бир инсонда ёшлигиданоқ қуйидагиларни мужассамлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1. Мустақиллик ҳис-туйғусини шакллантириш ва унга амал қилиш.
2. Ўзбек миллий ғурурига содиқлик.
3. Қўп миллатли Ўзбекистон халқига дўстлик муносабатлари.
4. Жамиятни инсонпарварлаштиришда ўз хиссасини қўшиш.
5. Ҳар бир ерда тартиб интизомли бўлиш.

Демак, она юртта муносиб фарзанд бўлиш учун намунали ахлоқ-одоб билан ўрнатилган курсатиш Ватан учун жон олиб, жон берганларни ҳамиша ёлда тутишларига, юрт манфаати йўлида меҳнатдан қочмаслик тамойилларига амал қилишдир. Чунки, Ватан туйғуси, ватанпарварлик хисси ўзбек миллатининг қадриятларида чуқур ўрин эгаллагандир. Вагани севиш ва унинг дахлсизлигини сақлаш учун шу муборак Ватаннинг бошига оғир кун тушиши шарт эмас. Ҳар бир ҳаракатимиз амалга ошган, ошмаган ниятларимиз, қуртак ёзаётган орзу-умидларимиз, турмушдаги аччиқ-чучук ташвишларимиз ҳар куни, ҳар сония Ватан тақдири билан боғланади. Табиийки ватанпарварлик

мазмунини бойитиб боради. Муқаддас ватанарварлик туйғуси қалбимизда жуш урар экан Ватан бизникидир.

Мустақил Ўзбекистонинг мадҳияси, байроғи, гербидаги пахта, буғдой, хумо қуши, мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир фуқоронинг қалбидан чуқур жой олиши, уни асраб-авайлаши шарт. Ана шундагина ўз халқини, миллатларнинг бутунжаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсон, ўз Ватанининг жонкуяри вояга етади. Шундай экан, ҳар бир кишининг қалбида ўз Ватанига эътиқод, муҳаббат ҳис-туйғулари барқ ўриб турса, бу ажойиб неъматларни умрбод ардоқласа, ҳаётда, турмуш тарзида қулласа, шундагина у софдил, самимий ва одил фазилатли ҳақиқий ватанпарвар бўла олади. Миллатлараро дўстликни байналминал дўстлик деб аташади. Оламзот бир умрга ўз уйида, ўз юртида яшаб угади, ҳаёт тақозоси билан турли сафарларга турли юртларга бориши мумкин. Кўплаб миллат вақиллари мулоқатда бўлади, улар билан дўстлик алоқаларини ўрлатиш, дўстлашиш табиийдир.

Ота-боболаримиз қадимда савдо-сотик туфайли кўплаб миллатлар билан дўстлик алоқаларида бўлганлар. Халқ оғзақи ижодида, адабиёт ва санъатда ҳам байналминал дўстликнинг кўп тасвирланиши боиси ҳам шундадир.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида Хитой углони Фарҳоднинг арман қизи Ширинни севиб қолганини ва уларнинг ўзбек йигити Шопур билан дўстлашуви орқали Хитой ва Арман халқларининг ўзбек халқи орасидаги дўстлигини мадҳ этган.

Турғунлик, катагон йилларида миллатларга бўлган айрим нотўғри муносабатлар сабаби қардош халқлар Марказийсида низолар келтириб чиқарилди. Тарихи бир, юрти бир, ога-ини, қардош ўзбек ва киргиз, тожик ва туркман халқлари Марказийсида қон туқилиши тушунчаси соғлом, ақли расо инсонларнинг қилмишига асло ўхшамайди. Бир вақтлар улут Ватан уруши йилларида ўзбеклар бир парча нонини бўлишиб еб иссиқ уйига қабул қилган дини, тили бир инисини ўз уйдан хонавайрон қилиб, қон тўкиб қувиб чиқарганига ақл бовар қилмайди, эллар алданди, халқлар алданди.

Ўзининг ёвуз ниятларини ичида сақлаб юрган галамислар ўзбек халқининг номига доғ туширди. Ёшларни йўлдан оздирди. Миш-миш ва гиж-гижлар қурбони бўлди.

Мамлакатимиз халқлари, ўзларининг 70 йилдан ортиқ тарихида жуда иноқ яшаб келдилар. Улуғ Ватан ўруши бошланишидан олдин, ҳатто Гитлер бошчилигидаги немис фашистлари «Агар Совет Иттифоқига уруш очсак, ҳамма миллат ўзини ўзи химоя қилиб, орасида мўрса кочади. Биз осонгина галаба қиламиз»- деб уйлаган эди.

Аммо фашистлар адашди. Совет халқлари бир ёқадан бош чиқариб галаба қилди.

Байналмилал дўстлик бизнинг ўзбек халқида ҳамиша қадрланган ва қадрланади. Халқимиз меҳмондўст, дўстликни улуғлаб келган халқдир. Лекин кимлардир шу анъанага соя солдилар.

Одам-одамга дўст. Шу туфайли ҳам ота-боболаримиз биридан миллатни суришгирмай яшаганлар, дўст бўлганлар.

Совет педагогика фанининг жуда катта қисмини меҳнат тарбиясига бағишланган боблар эгаллаган эди. Бу бобларда болаларни, ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш, жамоанинг уларга таъсири, меҳнат коммунистик тарбиянинг таркибий қисми, кишининг ва кишилик жамиятининг энг зарур шарти эканлиги ҳақида кўп гапирилариди. Меҳнат умуминсоний қадрият эмасми? Болаларни меҳнатга ҳурмат ва уни ўз ҳақти ҳаракатининг бош мезони сифатида қабул қилишга ўргатиш меҳнатсевар халқларнинг қонида бор. У ота-онадан фарзандига ўтади. Халол ва пок жамиятда бу қонуний жараён изчил давом этади. Бунинг учун аввалб жамиятнинг ўзида олийжаноб, беғуборлик ва табиий кўникмалар лозим. Бу ижодий жараён ўзбек халқида нихоятда жозибали кўриниш ва моҳиятга эга.

Меҳнатсеварлик инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолиятида амалга ошадиган жараёндир. Халол меҳнат киши ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Шу боис донолар «Меҳнат кишилик жамиятининг энг зарур яшаш шартидир», «Инсон нима билан фахрланса, ёки эъзозланса, ҳаммаси меҳнатнинг натижасидир», «Меҳнат умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятлар тараққиётининг негизидир» деб бежиз айтмаганлар.

Мехнатсеварлик киши камолотининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. У муҳтожликдан, юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан сақлайди. Мехнат умр сайқали, ҳаёт безаги. Мехнатсеварлик туфайли обру-эътибор ортади, кишидан яхши ном қолади, унинг ҳаёти сермазмун, сержило, баракали бўлади. Мехнатсевар кишининг порлоқ сиймоси унинг утил-қизлари, набиралари, ёру-дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари қалбида ҳамиша яшайди. қадимдан ота-боболаримиз бола тарбиясини меҳнатга ўргатишга, касб-хунарга қизиқтиришга алоҳида эътибор берганлар. Болада меҳнатга муносабат даставвал оиладан бошланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида «Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, меҳнат турини ихтиёрий танлаш, адолатли, қулай меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқига эга»-деб таъкидланган.

Инсонпарварлик якка ёлғиз фахрийларга, ногиронларга, серфарзанд оилаларга, кўмакка муҳтож бошқа ғуқороларга ҳурмат-эътибор ва хайр-саховат курсатиш бугунги Ўзбекистонда давлат миқёсидаги аънаналар сафидан мустаҳкам жой олмоқда. Юртбошимиз И.Каримовнинг таъкидлашича: «Инсонпарварлик-ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас ғазилатидир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларига бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сўрди, ўзаро пизолар, асорати аламини тортиди,энг яхши ўтил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам, халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушуролмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг кайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир».

Ахмад-Яссавий нуктаи назарида инсоннинг дунёси инсонпарварлик оилан обод. Инсонпарварлик адолат, шафкат, меҳрибонлик, ҳиммат, саховат, кишиларга одамийлик, олийжанобликни бахш этиш демақдир. Инсонпарварлик кишиларда турли миллат халқларига меҳр-муҳаббатни тарғиб топтиради.

Адолатсизлик, тенгсизлик, текинхўрлик, виждонсизлик

каби одоб-ахлоққа зид ҳатти-ҳаракатларга мурасасизликни шакллантиради. Инсонпарвар киши бор кучини бошқалар учун сарф қилади. У доимо самимий бўлиб, одамларни шавқ-завқ билан олқишлайди. Кишиларнинг ҳаётига, уларининг турли урф-одатлари, эътиқодлари ва интилишларига қизиқиш билан қарайди.

Халқимизнинг маънавий киёфасини белгилайдиган меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, серфарзанд оилаларга гамхурлик қилиш, тўй-маросимларда ўзаро ёрдамлашиш, хашар, оилада бир-бирларига кумақлашиш, химматлилиқ, оила бўзилишига йўл қуймаслик каби умуминсонпарварликнинг асосини белгилайди.

Ўзбекистонда ногиронлар жамияти, «Навруз», «Маҳалла» хайрия жамғармаси инсонпарварликни амалга оширишга қаратилган. Уларнинг мақсади одамларга меҳр-шафқат, мурувват, кийналганларга мадад, камбағалларга ва муҳтожларга ёрдам, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатишдир.

МАВЗУ: ЎЗБЕК ХАЛҚИ МИЛЛИЙ АҲЪАНАЛАРИ ВА МАРОСИМЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ РЕЖА:

1. Ўзбек халқ аҳъаналари, урф-одатлари ва маросимларининг ахлоқий асослари.
2. Халқнинг кундалик ҳаётидаги юз берадиган одатий аҳъаналар: саломлашиш, куришиш, ота-онани, катта ёшдагиларни эъзозлаш.
3. Халқнинг миллий байрамлари билан боғлиқ аҳъаналар: Навруз, хашар, сумалак тарқатиш, хосил байрами, кўлқари, гаштак, кураш кабилар.
4. Оиладаги тўй томошалар билан боғлиқ аҳъаналар: бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи ва бошқалар.
5. Диний хотира билан боғлиқ аҳъаналар: дафн ва хотирлаш маросимларининг ахлоқий асослари.

Таянч тушунчалар:

Аҳъана, урф-одат, маросим, саломлашиш. Навруз, кураш,

кўпкари, бешик тўйи, никох тўйи, дафн, хотирлаш.

Назорат саволлари:

1. Анъана, маросим, урф-одат тушунчалари.
2. Саломлашиш, куришиш, ота-онани эъзозлаш миллий урф-одатлари.
3. Навруз, хашар, хосил байрами, кўпкари тушунчаларининг миллий моҳияти.

Ҳар бир тараққий этган, маданиятли халқнинг ўз тили, урф-одати, адабиёти, асори атиқалари, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг қадимий маданий халқлардан бири сифатида мана шундай хазинага эга. Бу билан биз ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Бунинг учун уша қадимий маданиятли, урф-одатни билишимиз, сақлашимиз ва кейинги авлодга ҳам етказишимиз инсоний бурчимиздир.

Шуни унутмаслик керакки, минг-минг йиллар давомида шаклланган урф-одат, маросим адабиёт, санъат муаллақ холда, ўзга халқлардан бекипикча пайдо бўлиб, ривожланмаган. Аксинча, биз билан қадимдан ёнма-ён, жон қушни сифатида ҳаёти кечириб келаётган қардош қозоқ, киргиз, туркман, тожик ва озарбайжон халқларининг бевосита иштирокида яратилган, жаҳоннинг тараққий этган кўплаб бошқа халқлари вақилларининг ҳам бу қадимий маданиятнинг шаклланишида муайян ҳиссалари бор.

Ҳар бир халқнинг удумлари, урф-одатлари ўтмишга чуқур томир отиб кетган ўқ илдишлари билан жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин тутади.

Инсон боласи ёшлигидан яхши ва ёмон одатларнинг кайсисига, ўрганиб қолган бўлса, бу удум уни, бир умр тарқатмайди. Шунинг учун ҳам халқимизда, «бешиқда теккан-кафанда кетар» ёки «дард кетар-одат қолар» деган мақоллар бор.

Саломлашиш маданияти бола туғилганидаг оладиган биринчи сабоғидир.

-Ассалому алайкум!- қулини куксига қуйиб, ажаб тавозе ила салом берди ёш йигит.

-Ваалайкум ассалом!- алик олди оппок соқолли нуроний чол

хассасига таяниб, бир зум нафас ростларкан, сўнг қўшиб қўйди:
-Мулла бўлинг, умрингиздан барака топинг, яхши жойлардан ато қилсин...

Улуғ бобомиз Ахмад Яссавий замонида ҳам, катта бобокалонимиз Амир Темур даврида ҳам, Алишер Навоий-, Хусайн Бойқаро ва Бобур Мирзо замонларида ҳам худди шундай саломлашишган.

Ҳамма гап одобнинг боши бўлган саломнинг эрта, юз йилдан кейин, яна минг йиллардан кейин ҳам худди шундай авлодлар тилида жаранглаб туришида қолган. Чунки халқнинг умри унинг маданияти, урф-одаи, удумлари умрининг узунлиги билан ўлчанади.

«Одобнинг боши саломдан бошланади. Салом-худонинг қарзи, - дейди кексалар. Салом инсонийликнинг ҳам боши.

Саломлашиш-қадимий одат. Дунёдаги барча маданий халқлар ўзаро инсоний муносабат, муомала ва мулоқотни саломдан бошлашган. Ҳар бир халқнинг саломлашиш билан боғлиқ бўлган ўз урф-одаглари бор. Хиндлар қўл қафтларини бирлаштирганча, пешоналарига тираб, афгонлар юзларини суйкаганча қафт уриштириб саломлашишса, инглизлар бош кийимини олиб, енгил таъзим қилишади.

Биз, ўзбеклар барча ислом дунёси халқлари сингари бир-биримизни кўрганимизда «ассалому алайкум» дея қулиб олишиб куришамиз. «Ассалому алайкум» ибораси арабча «Сизга тинчлик тилайман» деган маънони билдиради. «Ваалайкум ассалом» эса «Сизга ҳам тинчлик тилайман» жавоб саломи саналади.

Саломлашиш одати ёш ва маросим билан ҳам боғлиқдир. Масалан: кекса одамлар бир-бирлари билан икки қўлаб куришишади. Узоқ вақт бир-бирларини курмаган қадрдонлар кучоқлашиб, сунг қўл олишиб, хол-ахвол сўрашади. Кексалар кучоқлашганча бир-бирлари кифтларини кўрак ва елкаларини силаб-сийпаб, кўришади.

Маданиятчиликнинг биринчи белгиси бўлган саломлашиш одатида кекса киши билан ёш йигит, ўсмир бола кришганда ёш «ассалому алайкум» дея унғ қўлини кўксига, юрак устига қўяди. Кекса киши «ва алайкум ассалем» дея айрим рағбатлантирувчи олқишлар ҳам айтиши мумкин. Бундай пайтда

кекса киши кул ўзатсагина, ёш бориб икки қуллаб у кишининг қулини олиши лозим.

«Салом» каломи «савоб» сўзига уйкаш. Маъно жиҳатдан ҳам бир-биридан узоқ эмас. Ўзидан қапталарга салом бермок бизлар учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қадимдан ота-боболаримиз салом беришни қанда қилмайдиганларни одобли, ахлоқли, саломсизни одобсиз-тарбиясиз санаб келишган.

Хотин-қизлар, одатда саломлашишни елқа қоқиб, баъзан упишиб куришиши билан амалга оширишади.

Навруз-Шарқ халқлари орасида бир неча минг йиллардан буён яшаб келмоқда. Кўп асрлар давомида македониялик Александр, араблар, мўғуллар каби бир қанча боскинчи қушинлар, Шарқ халқларининг умумий байрами Наврузни йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилдилар. Аммо Навруз барҳаётлигича қолаверди, қайта тирилаверди. Навруз бирон-бир санани нишонлаш учунгина байрам қилинадиган ҳодиса ҳисобланмайди. У табиатнинг ўзидан келиб чиққан, куну-тун тенглашгандан сунг, энди кунларнинг узайиши узлуксиз меҳнат арафасидаги байрамдир. Навруз-янги, руз-кун «янги кун» деб айтилиши ҳам бежиз эмас.

Навруз байрамини барча форс, араб, туркий тилларда сўзлашувчи халқлар ҳар йили баҳорда нишонлаб келишган. Бу қадимий, анъанавий янги йил байрамимиз ҳақида улут боболаримиз Абу Райхон Беруний «қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида, Махмуд қашгарий эса «Девону лутатил турк» асарида жуда қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Биз ўзбеклар барча Шарқ халқлари сингари ўз миллий байрамимиз Навруз-янги йил байрамимизни бор малохати, бўй-басти билан кўз-кўз қилиб ўтказяпмиз. Навруз байрами баҳор фаслининг 21-22 -март кунларидан бошлаб бир хафта, ўн кун давомида ўтказилган. Бу байрам, аввало табиатнинг жонланиши, янгиланиши,янги йил билан юртимизда баҳор фаслининг кириб келиб,келинчакдек ўз яшил сепини кенг ёйиши билан бошланган.

Навруз байрамининг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири кексаларга ҳурмат, уларнинг холларидан хабар олиш кўмак беришдир.

Хашар-Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган улумларимиздан бири бўлиб, қадимдан ўзбек халқи ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Хашар бу кўпчиликнинг бир ёқадан бош чиқариб, бир мақсадда биргалашиб ҳаракат қилишидир.

Қадим замонларда ота-боболар кишлоқларда, ёзчоқлоқларида ҳужалик ишларини кўп ҳолларда хашар йўли билан ботириб келишган. Кумилган тоқларни очиш, кесиш, тараш, боғ беллаш хашак-сомон тўплаш, боғ ҳосилини йиғиб-териб олиш, кузги яхоб суви бериш, кагта арик, каналлар ковлаш, шох ариқни қиш арафасида ковлаб тозалаш каби оғир ишларнинг ҳаммаси худди шу хашар йўли билан бажарилган.

Хашар одапининг эски замонларда, айниқса, бева-бечоралар, камбағал оилаларга кагта ёрдами теккан. Қишлоқ аҳли орасида албатта хашар йўли билан бамаслаҳат қишлоқнинг ўзига етарли тўқ хонадонлари бирлашиб ёки ёлғиз, камбағал бева-бечора, етим-есирларга ҳовли жой қуриб бериш, гўдак фарзандларнинг қулини ҳалоллаш, туй бериб, бошини иккита қилиб куйиш каби савоб ишлар жамoa бажарилган.

Кўпқари-улоқ ўзбек, козoқ, қирғиз, туркман, тожик халқларининг барчаси учун бирдай қадрдон. Кўпқари-бу чавандозлар баҳси. Ота-боболаримиз гўдакликдан болалик фаслига кирган фарзандларининг қулини ҳалоллаш, буй етган қизларини узатиш, эр етган ўғилларини уйлантириш тўйларида халққа ош бериб, сўнггида кўпқари баҳси томошоларини кўрсатишган.

Кўпқари чоғиш- бу чавандознинг от устида анъанавий мусобака шартларини бажариб қолиб чиқиш учун олиб борадиган курашишидир, жангидир. Кўпқарининг бошқа номи ҳам улоқдир.

Кўпқари баҳсида сўйилган улоқ (эчки боласи) танаси тўй-мусобақа ҳакамлари томонидан Марказийга ташланиб, ушбу кураш шартлари ана шу улоқ билан боғлиқ ҳолда бажарилади.

Кўпқари (улоқ) асосан якка баҳс. Мусобақанинг шарти Марказийга ташланган улоқ танасини тақимга (чавандоз) сони билан аргумoқ сағриси орасида қисиб, майдонни гир айлантирганча, белгиланган манзилга - улоқ хайвонни ҳакамлар ёнига биринчи бўлиб келтириб ташлаш. Бироқ кўпқарида

чавандозлар Марказийга куйган соврин-қимматбахо буюм (соат, гилам, куй, мол, тўн, пул) ларни бўлиб олиш учун жамоа бўлиб ҳаракат қилишлари ҳам мумкин.

Жуда қадимий ўйин-одатларимиздан бири курашдир. Бу ўйин-одат ҳақида сиз яхши тасаввурга эгасиз. Чунки, кураш, хайриятки йўқолиб, изсиз кетган удумларимиз қаторига кирмай қолган. Бунинг сабаби образли қилиб айтганда ҳар бир замон, айниқса бнзнинг замонамизда кундалик турмуш, ҳаёт кечиришнинг ўзи курашдан иборат бўлиб қолганлиги туфайли шундай бўлгандир.

Кураш-қадимий ва эркин кураш турларига бўлинади. Кураш бизнинг халқимизда пайдо бўлиб, тараққиёт йўлига кирганидан буён тарқиб топиб, ривожланиб, такомиллашиб борди. Миллий курашни биз ҳозирги кунла спорт тури сифатида қайд этамиз. Аслида эса бу одат халқ ҳаётининг жуда муҳим тармоғи бўлиб, унинг тақдири азалини белгилаган.

Қадим давларда туркий халқлар тарихида нафақат эркаклар балки хотин-қизлар ҳам кураш тушишган.

Ўзингиз тўй-томошаларда, ойнаи жаҳон ва кинофильмларда икки полвоннинг давра Марказийсида халқ олқишида кураш тушиб туришганининг гувоҳи бўлгансиз. Айниқса, бу одат кишлоқларимизда ҳамон анъанавий равишда давом этиб келаётганлиги кишини қувонтиради. Ўзбекларда қадимдан не-не полвонларнинг донғи кетмаган. Биз ўз замонамизда ҳам полвонларни Хушвақт Рўзиқулов, Жалол Рўзиқулов, Норқобил Йўлдошев, Сайфиддин Ходиев, Собир Рўзиев, Мамадали полвон, Бозорбой полвон сингари ҳамюрт замондошларимиз билан фахрланамиз. Бундай полвонлар кураши Ўзбекистонда икки тоифага бўлинади: Бухороча курашва Фарғонача кураш.

Ажойиб халқпарвар шоир Махтумқулининг мана бу мисралари ҳаммамизга ҳам ёд бўлиб кетганлиги рост:

Ҳар йигитни аслин билай десангиз,

Маърақада ўтириб-туришин кўринг...

Гап-гашпақда тенгдош, махалладош, синфдош, курсдош, хизматдош, маслақдош дўстлар бир жамоа ташкил этиб, бу жамоа белгиланган муддатларда (ойда, бир ярим ойда, икки ойда)

тутиланишиб, ўтказилади. Гап-гаштаклар номи эскидан «ғуғдихом», «давра», «гап», «гаштак». «гап уйнаш», «ош» сингари маънодош сўз ва иборалар билан қўлланиб келинган. Гап уйинлари аслда киш кунларига мўлжалланган бўлиб, узун киш кечаларини обод, мазмунли қилиш, кўнгил ёзиш учун ташкил этилган.

Гап-гаштак ўз номи билан гап, давра, сухбат, маслахат, ўйин-кулги, жамоа бўлиб кўпгина оилавий, жамоат муҳим ишларни хал қилишга катта ёрдами теккан тадбирлардир.

Гап-гаштак аъзолари тенгдош дўстлар, фақат йиғитлардан иборат бўлиши мумкин.

Ҳайитлар қадимий диний байрам бўлиб, уларнинг таркибига кирган кўпгина маросимлар исломдан олдин ҳам халк таомилида бўлган. Ислом уларни омуҳталаб, ўз қонунларини кушиб, ҳайит байрамларининг умрини ўзайтирган.

Ҳайитларнинг икки хили мавжуд бўлиб, халқимиз бу байрамларга азалдан амал қилиб келади. Биринчиси-қурбон ҳайити «Катта ҳайит»- деб аталади. Унинг олдидан кун қолганда арафа кунлари нишонланади.

Кичик ҳайит - бу Рўзаи май рамазони деб аталиб, одагда рўза ойи кунда ўтказилади. Катта ҳайит бутун дунё умумхалк маросими-ҳаж, яъни Катбага зиёратга бориб, ҳаж номоз уқиш давридан бошланиб, айрим жойларда 7 кунгача байрам қилинади. қурбон ҳайити-ийд-адҳо, рамазон ҳайити-алфитр, меърож-ражаб ойи байрами, шунингдек имом Хусайини хотирлаш куни-ашўро, тақдир кечаси-лайлотул-қадр Муҳаммад пайгамбарнинг тутилган кунлари-Мавлуд Ислом динида асөсий ҳайит байрамлар саналади. Ҳайит кунлари оилага ширинликлар, янги кийим-бошлар, кийимликлар сотиб олиниб, болаларга, ота-она, бобою-бувиларга ҳадя қилинади. Оила боши рузгорнинг каттадан-кичигига сармоя учун ўзига яраша пул чой-чақа улашади. Бу ҳайит ҳаржи деб номланади.

IV. Тўй ўз номи билан яқин дўстлар, қариндош-уруғ дийдорига ширин таомларга, яхши куй ва кушиққа, курашчу кўпқари томошасига байрам шодиёналарига, кулги ва қувончга тўйишдир.

Бизнинг ўзбек халқимиз Марказий Осиё минтақасидаги

бошқа қардош халқлар сингари жуда қадим замонлардан буён туй қилиб, элга ош бериб келган. Туйлар одатда, кичиқ байрамлардек утказилган. Туининг ҳам турлари анча-мунча. Бешик тўйи, хатна тўйи, суннат тўйи, никох тўйи, пайғамбар тўйи, ховли тўйи ёш саналари билан боғлиқ туйлар ва хоқазолар.

Бешик тўйи (бешик солди) да янги бушанган, бешиқда боласини эмизиб турган онага нон тишлатиб, бу нон болаларга олиб кочишган. Бешик устида сочилиб, болалар талашиб-тортишиб тановул қилдирилган. Бу билан янги туғилган боланинг умри ширин, мўл бўлиб ўзоқ йиллар хаётда сочилган ризку-рузини йигиб-териб еб юрсин, деган маъно англашилган. Бешик тўйига боланинг чилласи чиққунча, уни бешикка белаш маросимига икки турмуш қурган, ажралган хотинлар ирим қилиб қўйилмаганлар.

Никох тўйида эса бўйи епан қиз-йигитнинг турмуш кўриши билан боғлиқ бўлган қадимий анъанавий одат маросимлари амалга оширилади. Оддий халқда куёв бўлган болага ўтин ёрдириб, ер чоптириб, чавандозлигини, кураш тушушини, косиб-усталигини имтихон қилиб куришган.

Албатта келин-куёв тўй кунлари махсус либослар кийишган. Бу кийимлар юртимизнинг қайси воҳасига қараб бири-биридаи фарқ қилган. Масалан, Самарқанд, Бухороники бир тоифа бўлса, Сўрхон ва Кашқадарё воҳасиники иккинчи тоифа, Фарғонанинг ўзи бўлак бўлса, Хоразмнинг келин-куёвлар кийим-боши тамоман ўзгача бўлган. Бу ташқи белгилар ҳам халқимиз маданиятининг жуда бой ва қадимийлигидан далолат беради.

Одам дунёдан утгач, унинг руҳи-номини шод этиш учун турли таъзиялар, марака ва маросимлар утказиш. мархумнинг номини яхшилиқ билан эслаб туриш, хотирасини асраб-авайлаш халқимизнинг олижаноб фазилати, умуман тирикларнинг муқаддас бурчидир. Тарих силсилаларида синалган мана шундай энг яхши миллий анъаналаримиз, расм-русмларимиз, урф-одатларимиз шўролар даврида камситилди. Кўглари таъқиқлаб қўйилди ва онг-ғуруримиздан чиқариб ташлашга ҳаракат қилинди. Халқимиз бахтига Шўронинг зулмат пардаси парчаланиб, она Ўзбекистонимизда мустақиллик куёши порлади.

Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб, сақлаб сайхал

топтириб келган Ўз миллий урф-одаглари удумлари ва анганалари билан, бир суз билан айтганда маданий маърифий дунёси билан ажралиб туради. Зеро буюк аждодларимиз умумбашарият маънавий ахлоқий қадриятларини яратишда беюсита ишпирок этганлар. Бу урф-одагларида айниқса маънавийтимизнинг асоси булган инсоний фазилатлар уз мазмуни мохияти билан ажралиб туради.

Халқимизнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган меҳмондўстлиги, кагталарга хурмат, болажонлик, серфарзанд оилаларга ғамхўрлик қилиш, туй ва маросимларда ўзаро ёрдамлашиш ҳимматлилиқ, оилада мурсою-мадора кабилар, инсонпарварликнинг мазмуни сифатида қабул қилинган.

Инсоф, одамгарчилик, меҳр-шавқатлилиги, ҳайр-эхсон саховатлилиқнинг йиллари давомида одамийликнинг эзгу иши бўлиб келган. Асрлар давомида шаклланиб келган миллий урф-одаглар заминидаги маънавий-ахлоқий фазилатлар кишилар ҳаётининг ажралмас қисми бўлган. Бунга халқни ҳаёт тарзи, турмуш, ахлоқ қоидалари яқиндан мисол бўлади. Айниқса ҳатто халқ қўшиқларида, эртақларида, ривоятларда, мақолларида ҳам булар ўз аксини топган. Оқар дарёдан ҳамиша ҳаракатланиб янгиланиб турган бу фазилатлар ёшларнинг ахлоқли, одобли қилиб тарбиялашда катта ўрин тутган.

Комунистик мафкура туфайли асрлар буйи қўлланилиб келган, миллий ахлоқий маънавий урф-одагларимиз, қадриятларимиз йўқ бўлишига бир қадам қолди.

Одамлар ўртасидаги оқибат, меҳр мухаббат, инсонийлик каби энг муқаддас қадриятларимиз кишилар дилидан кўтарила борди. Бу эса отани ўғил билан, ўғил ўз ака-укалари, сингиллари билан келинни қайнонаси билан ўзаро мажораларини келтириб чиқарди ва айрим ҳолда фожияларга олиб келди. Мафкура тараққиёти шу даражага еттики ҳатто ўз жигар бандини дафн этишга борганда кўпчилиқка қўшилиб жаназа номозини ўқиган одамлар партия сафидан чиқарилиб ишдан ҳайдалди.

Алдаш ғаразғуйлик, ҳасадғуйлик, маккорлик, риёкорлик илдиэлари бу давр ичида халқ орасида илдиэ отиб кетди. Бунга ёрқин мисол Фарғона фожиялари, мафкуранинг охириги имзоси сифатида кўпчилик ёдида қолган. Мустақиллиқгача ўтган

хаётимиздан бундай мисоллар кўтлаб келтириш мумкин. Катта тарбиявий бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир асарлари йўқ қилинди. Аммо миллий руҳдаги бу асарлар йўқ бўлиб кетмади, барибир халқ ёдида қалбида яшаб қолди. Уларнинг асарларидаги улуг ғоялар ватанпарварлик, фидойилик, маърифатлилик, миллат-парварлик, ўз халқини доимо руҳини бардам тутди.

Ўзбекистон Мустақил деб эълон қилингандан бошлаб миллий қадриятларни, урф-одатларни, тарихни, маданий-маърифий меросимизни қайта тиклаш, халқимизга англаштириш каби улуг иш амалга оширила бошланди.

Дарҳақиқат миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланиб юртимизга халқ севган Наврўз байрамлари, Рамазон, Курбон хайитлари қайта кириб келди. Динга муносабатимиз ўзгариб Куръони-Карим, Хадис-шарифлар ҳаётимиз дастури, омили бўлиб қолди.

Халқимизда азалий одатлар ҳамкорлик, ҳамжихатлик яна ривож топа бошлади. Ўзлигимизни англадик ва ўзлигимизга қайтдик. Қадим-қадимдан нишонланиб келаётган сайиллар тикланди. Меҳрижон байрами каби ажойиб анъана яна ўз урнини топди. Маълумки бу байрамда одамлар етиштирган ҳосилларидан ночор оилаларга ёрдам беришади, кекса онахон ва отахонларнинг хурматини бажо келтирадилар. Қариялар эса «Одамлар орасида ёшув-қари, эру-хотин, ота ва фарзанд орасида ҳеч қачон меҳр кўтарилмасин» деб дуо қилишади. Меҳрижон байрамида раҳм-шавқат, меҳр-мурувват, саховат ўзаро ёрдам ҳислатлари улуғланади. Меҳр одамларни ҳар қандай хусумат, гина-гидрат, ғаразгуйлик, фитна адоватдан фориқ қилади.

Урф-одатларда халқнинг миллий хусусияти, ахлоқ-одоби турмуш тарзи дунё қараши акс этади, зеро урф-одатлар турмуш талабларидан келиб чиқиб, ҳар бир киши уларга ўз онгининг ахлоқининг амри билан амал қилади. Шу маънода урф-одатлар билан ахлоқ одоб ўртасида диалектик боғлиқ намоён бўлади. Ота-онага оқибат кўрсатиш, ота-она розилиги билан турмуш қуриш, уларнинг панд-насихатлари асосида иш тутиш, катталарни ҳурматлаш ва эъзозлаш, шунингдек мусофир, бева-бечораларга ҳамдардлик кўрсатиш энг улуг ахлоқий одатларимиз ҳисобланади.

Нонни эъзозлаш, меҳнатни қадрлаш, ерга муҳаббат, жониворларга шавқатлилиқ ҳам азалий одатларимиздан бири бўлган, азиз авлиёларга, муқаддас қадам жойларга муборак обидаларга ҳурмат, ўпанлар руҳини шод этиш ҳам ҳаётимизда урф бўлиб қолган одатлар ҳисобланади.

Хар бир киши дунёга келгандан тортиб, умрининг охиригача ўз халқининг турли-туман урф-одатлари замирида яшар экан, унинг тарбиявий йўналтирувчилик хусусияти доимо эътиборда тутиб шахсни маънавий-ахлоқий камол топтиришда унумли тарзда тарбия жараёнида тадбиқ этиши лозим. Бу жараёнда урф-одатларимизга оқилона ёндашиш жамият маънавий эҳтиёжига, шахс камолати талабларига ижобий жавоб берувчи одатларимизни «Териб» олиш мақсадга мувофиқ келади.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг «Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бобида», «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий урф-одатларига ҳамда умум башарий қадриятларига асосланган ҳолда самарали ташкилий педагогик, шакл ва воситалар ишлаб чиқиб амалиётта тадбиқ этиш» инсонни тарбиялашни устиворлиги таъминланади деб белгиланган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура» (Асарлар тўплами I-жилд) Т.1996 йил.
2. Каримов И.А. «Ватан эл манфаати мукаддасдир» (Асарлар тўплами II-жилд) Т.1996йил.
3. Каримов И.А. «Халоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг сиёсий мезони бўлсин» (Асарлар тўплами II-жилд).Т.1996 йил.
4. Каримов И.А. «Халол яшаш ва халол меҳнат қилиш бурчимиз» (Асарлар тўплами V-жилд).Т.1997 йил.
5. Каримов И.А. «Маънавий юксалиш йулида» Т.1998 йил.
6. Каримов И.А. «Кучли давлатдан кучли жамият сари».Т.1998йил.
7. Каримов И.А. «Адолатли жамият сари» Т.1998 йил.
8. Каримов И.А. «Олғох калбимизда,юрагимизда» Т.1999йил.
9. Каримов И.А. «Биз учун халқимиз,ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ»Т.2001 йил.
10. Каримов И.А. «Миллий армиямиз-мустақиллигимизнинг,тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир».Т.2003йил.
11. Каримов И.А. «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга,халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ».Т.2004йил.
12. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлардеб ҳисоблашар эди».Т.2005йил.
13. Иброхимов А,Султонов Ж,Жураев Н. «Ватан туйғуси» Т.1996 йил.
14. Усмонов М. «Одобнома» Т.1991 йил.
15. Кайковус Г. «Кобуснома» Т.1994 йил.
16. «Миллий мафкура-келажак пойдевори» Туркистон газетаси-2000йил 8 апрель.
17. Авлоний.А. «Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ» Т.1992 йил.
18. Хайруллаев М. «Буюк сиймолар,алломалар» (I-II-III-китоблар).Т.1997 йил.
19. «Ўзбек удумлари».Т.1993 йил.
20. «Инсон бахт учун тугулади».Т.1996 йил.

21. Махкамов У. «Ахлоқ-одоб сабоклари».Т.1994 йил.
22. «Ёшлар Марказийсида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари» Т.1996 йил.
23. қосимов Р.С,Раҳимжонов А «Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси»Т.1999йил.
24. Мадаев О,Собитова Т. «Халқ оғзаки поэтик ижоди»Т.2001 йил.
25. «Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуруб бўлмайди».Т.2006йил.

